

ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 26-noyabr, №48 (673)


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бундан 10 йил аввал Конституциямизнинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида, "Биз қонун устуворлигига эришганимизга ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўргатишни бутун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман. Токи униб-қўлиб келатган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқбол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин", деган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-демократик умуминсоний принципларга асосланганлигини, унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дхлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланганини барча фуқароларимиз билишлари лозим. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ҳамда Конституциямизда ўз аксини топан гошлар асосида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловнинг аҳамияти беқёсдир.

Сайлов ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланishi, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкид-



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ — ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Ўтган даврда мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятнинг демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида улкан му-

ваффақиятларга эришилди, десам асло муболага бўлмаса керак.

Биргина 2001 йилнинг 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунни олайлик.

Ушбу қонун демократик жараёнларни ўз ичига қамраб олди ва айни вақтда прокурор назорати фаолияти-

дан фуқароларнинг қонунга риоя этишлари устидан назорат қилиш функцияси чиқариб ташланиши орқали, фуқароларимизнинг "Прокуратура қораловчи илора" тушунчасига барҳам берилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бирига айланишига эришилди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 4-моддаси прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган бўлиб, мазкур моддада "фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш" алоҳида банд қилиб киритилди.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг етарли ҳуқуқий асослари, қонунчилик базаси яратилди ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда асосий қонун ҳисобланди.

Зеро, Президентимиз Ислам Каримов ўз асарларида Конституциянинг мазмун-моҳиятига, унинг давлат мустақиллигини ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унга сермазмун ва ифодали тарзда баҳо бериб ўтганлар. Юртбошимизнинг "Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўллари очиб беради" деган сўзлари ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Президентимиз конституция ҳақида тўхталар экан, шундай дейди: "Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-этибори унинг конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитган қомусномадир".

(Давоми 4-бетда)

Амалий қўлланма



"ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА"

лаганидек, демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари ҳамма учун тушунарли: бу - демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очик, эркин сайловлардир. Бу — охи-роқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори погонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

Демократиянинг мазкур тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўлақонли ифодасини топан. Хусусан унинг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги мустаҳкамланган. Мазкур модданинг бевосита изчил, мантқиқий давоми сифатида 32-моддада "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита

ниб, унинг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланishi ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш сайловлардир. Бу — охи-роқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори погонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари легенда, авваламбор, Конституциянинг 76-моддасига асосан олий давлат вакиллик органи бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида сайловдан мақсад олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг леги-

қилувчи органлардан бири бўлган Олий Мажлиси халқ ичидан энг муносиб номзодлар очик, ошқо-ра, адолатли тарзда сайлаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида сайловнинг аҳамияти яна шунда намоён бўладики, биринчидан, сайлов орқали давлатнинг олий вакиллик органлари шакллантирилади. Бунда давлат тизимига кирувчи ҳар қандай орган эмас, балки, унинг олий вакиллик органлари, яъни бевосита халқ вакиллари орасидан сайлаш ёки тайинлаш йўли билан шакллантириладиган органлар назарда тутилди. Демак, Олий Мажлисе бевосита халқ томонидан сайлов йўли билан шакллантирилар экан, ундаги вакиллар (депутатлар) халқнинг манфаатини қўзла-

Мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни модернизациялаш жараёндари билан ҳамоҳанг равишда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонун ҳам такомиллашиб борди. 1999 йилги парламент сайловларидан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигига киритилган қатор янги ҳуқуқий нормалар сайлов тизимини янада демократлаштирди, умумэтироф этилган демократик тамойиллар асосида сайловлар бўлиб ўтишини таъминлади.

Сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгилликлар қаторида маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка ном-

зодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгилангани, шунингдек сайловдаги ташвиқоти олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг икки палатали парламент тузиш ташаббуси асосида 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари ҳамда унинг асосида қабул қилинган "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун мамлакатимизда икки палатали парламент яратишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

(Давоми 12-бетда)

Сўнгги йилларда катта миқдорда етиштирилиб, ер юзи бўйлаб тарқатилган, келажак авлоди учун қайғурадиган ҳар бир миллионли таъшишга солаётган, маълум даражада вабога қўйилган ижтимоий хавфли жиноятлардан бири, шубҳасиз гиёҳвандликдир. Бу иллатнинг нақадар аянчли оқибатларга олиб келишию, унинг нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига солаётган таҳдиди ҳусусида Ўртаб-шимизнинг дунёдаги катта минбарлардан туриб кўп бора бонг ургани ҳам бежиз эмас. Бу офат фақат инсоннинг соғлиғи ва хавфсизли-

билан ҳамкорликда наркобизнеснинг хомашё базасини аниқлаш ва йўқ қилишга алоҳида эътибор қаратиб, виллоятнинг тоғли худудлари, томорқалар ва бошқа жойларда таъқиқланган, таркибда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинлар экилган майдонларни аниқлаш мақсадида мавсумий тадбирлар ўтказиб келмоқдалар.

Хусусан, жорий йилнинг иккинчи ярмида "Қора дори-2009" кенг қамровли тадбирнинг 2-босқичида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 499 та ҳолат

асанов Чиноз туманидаги Яллама бохона пости орқали ўтаётганда ушланди. Ундан 6,88 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси топилиб, жиноят иши қўзғатилди ҳамда суднинг ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Хулоса ўрнида айтганим бўлсак, бу иллатга қарши курашиш фақатгина тегишли органларнинггина вазифаси эмаслигини унутмаслигимиз керак. Тўғри, виллоят прокуратураси виллоят халқ таълими, маданият ва маърифат маркази, маҳалла, "Соғлом авлод учун" ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳам-

МИЖОЗНИ ТАЛАГАН БАНКИРЛАР

Истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида барча соҳалар қатори мамлакатимиз банк тизимида ҳам кенг қўламдаги ислохотлар ўтказилди. Ўртаб-шимизнинг соҳага оид бир неча фармон ва қарорлари қабул қилиниши натижасида мижоз ва банк ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада яхшиланди. Энг асосийси, фуқароларимизнинг банкларга бўлган ишончи янада ортди.

Аммо беш қўл баробар эмас, деганларидек айрим банк ходимларининг ўртаб-шимчилиги туфайли мижозлар манфаатига путур етказилаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Бу борада тижорат банклари билан бирининг Олтиариқ туман минибанки бошқарувчиси Авазжон Валиев ва банкнинг виллоят филиали "Транш бўлими" бошлиғи Азизжон Исақовларнинг қилмишларини тилга олиш ўринли.

Гап шундаки, улар тумандаги "Бобоев Рафиқжон" фермер хўжалигининг тугатилганидан "унумли" фойдаланиб қолди. Аниқроқ айтганда 2008 йил 30 ноябрдан 2009 йилнинг 16 январга қалар хўжалик ҳисоб рақамига "Бағдод пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятидан келиб тушган 5.279.100 сўм ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан бошқоқти дон етиштириш учун ажратилган жами 9.333.100 сўм маблағини фермернинг рухсатсиз ҳамда тўлов топиширқномаларисиз ўлаштириб, "Саид ота СМТ", "Олмос Аҳмаджон", "Умиджон Иброҳимжон ўғли" Азизжон Исақовнинг "Олтиариқ Тинчлик Файлз" фермер хўжалигига, "Ҳиллат Аброр" фермер хўжалиғи раҳбари Э.Нишоновнинг пластик қарточкасига, 1.000.000 сўмини "Қишлоқхўжаликким" АЖнинг Олтиариқ туман филиалига ўзбошимчилик билан ўтказиб юборишди.

Худди шундай ноҳақликка тумандаги "Болтабоев Ҳалил" ва "Ҳалилбой Ҳамиджон обод Файз" фермер хўжаликлари ҳам учради. Яъни, улабурон банкирлар хўжалик раҳбарларининг розилигини олишни ва тўлов топиширқномаси тўлдиришни "унутган" ҳолда "Болтабоев Ҳалил" фермер хўжалиғи ҳисоб рақамидан мавжуд маблағларнинг 1.616.000 сўмини "Бағдод маҳсулотлари" АЖ, 801.000 сўмини "Нуробод" МТП, 394.700 сўмини "Бағдод пахта тозалаш заводи" АЖ ҳисоб рақамларига, 1.185.000 сўмини "Трак-

торчи Ёшлик", 4.000.000 сўмини "Баратов Ҳакимжон ери", 1.914.000 сўмини "Фаррух Маҳмудов Замини" фермер хўжаликларининг имтиёзли кредитдан бўлган қарзларини ёпиш учун ўтказишди. Қарабсизки, "Болтабоев Ҳалил" фермер хўжалиғи 9.911.000 сўм, "Ҳалилбой Ҳамиджон обод Файз" фермер хўжалиғи эса шу қабил қўнғирликлар натижасида 16.775.200 сўм зарар кўриб турибди-да.

Табийки, бундай ўзбошимчилик фермерларни қаттиқ ранжитида. Шу бонс улар нажот истаб туман прокуратураси ва СВОЖДЛҚК департаментининг туман бўлимига мурожаат қилишди.

Тергов жараёнида А.Исақовнинг "Олтиариқ Тинчлик Файлз" фермер хўжалигида ҳужжатли тафтиш ўтказилди. Буни қарангки, Азизжон аслида 22.684.200 сўмини ташкил қилган хўжалик иш ҳақи фондини 5.042.500 тарзида ёки 17.641.700 сўмга қамайтирган ҳолда туман ДСИга ҳисобот тақдим қилган экан. Бу билан у ишчи-хизматчиларнинг даромад солиғидан 2.119.500 сўм, пенсия жамғармасига 24 ва 2,5 фоизли тўловлардан 4.675.000 сўм, жамғариб бориладиган пенсия ажратмаларидан 181.000 сўм жами 6.974.600 сўмлик солиқ ҳамда мажбур тўловларни тўлашдан қасддан бўйин толаган. Қолаверса, хўжаликда меҳнат қилаётган 16 нафар ишчининг фақат биттасигагина жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси бўйича туман "Халқ банки"да ҳисоб рақам очилган экан, холос.

Албатта, қонун устуворлиги таъминланган бизнинг жамиятимизда ҳар бир жиноятга жазо муқаррар. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг ҳукми билан А.Валиев ва А.Исақовларга ҳам қонуний жазо тайинланди. Шу билан бирга юқордаги хўжаликларга етказилган зарар ҳам тўла қонланди.

Давлатимиз раҳбари Исрол Каримов ўз маърузаларида мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун ҳисоб қилини лозимлигини алоҳида таъкидлагандилар. Лекин юрт раҳномасининг ана шу сўзлари номлари тилга олинган банкирларнинг ёдларидан қўриб кетганга ўхшайди. Акс ҳолда юқордаги ўзбошимчиликка қўл урмаган бўлишарди.

Равшан РАҲМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Фарғона виллоят бошқармаси бошлиғи
ўринбосари
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

КЕЛАЖАГИМИЗГА БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

гига жийдлий таҳдид солиб-тина қолмай, балки муайян худуддаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий-маданий негизларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда эса уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, жорий йилнинг ўтган 9 ой давомида Тошкент виллоят ҳудудига гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ 687 та жиноят рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Бекобод шаҳри, Ўртачирчиқ, Янгийўл, Қўнчиқчиқ туманларига ҳамда Янгийўл, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткичлар ачинарли албатта. Бундан-да афсусларнардир жиҳати эса, айрим юртдошларимизнинг имконият эшикларни очибди, тадбиркорлигу ишбилармонлик, меҳнатига яраша манфаатдор бўлиш учун ҳукуматимиз томонидан имтиёз қарорлар берилган бир шароитда ҳамон ноқонуний йўллар билан даромад топиш илминда бўлишганлигидир. Ҳукуққа хилоф ҳаракатлар эса доимо жамиятнинг қаршичилигига учраб келган. Ходимларимиз ҳам виллоятдаги бошқа ҳукуқ-тартибот органлари

аниқлиниб, 468 та жиноят иши қўзғатилди. Ноқонуний муомаладан 337649,00 гр. гиёҳвандлик воситалари олинди. 214 та ҳолатда эса, таъқиқланган, таркибда гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар бўлган экин экилган ер майдонлари аниқланди, йўқ қилинди.

Тадбир давомида шубҳа остидаги айрим фуқароларнинг ҳонадонлари ҳам қўздан кечирилди ва шубҳаланиш бежиз эмаслиги аён бўлди. Масалан, Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Н.Берикбуловнинг томорқасида 3 туп кўкнори ўсаётгани аниқлиниб, молхонасидаги темир бочка устидан 20 донга гўгурт қутисиди 74 гр. ҳамда оёқ кийими қутисидан эса 126,2 гр. наша гиёҳвандлик моддаси топилиди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд гиёҳвандлик воситаларининг аксарият қисми виллоят ҳудудига товарлар, турли буюмлар, озиқ-овқатлар, автомобил ва темир йўл транспортлари орқали кириб келмоқда. Айрим кимсалар эса уларни ҳатто божхона постлари орқали ҳам бемалол олиб ўтишга уринмоқдалар. 2009 йилнинг 22 апрелида Сирдарё виллоятининг Мирзаобод туманида яшовчи Б.Х.

корликда вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши тарғибот ва таъқиқот ишларини доимий равишда олиб бормоқда. Шунингдек, виллоят ижтимоий ҳимоя ва меҳнат билан таъминлаш бошқармаси ҳамда ижтимоий адаптация маркази билан ҳам алоқамиз мустақкам. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар сабабли судланиб, жазони ўтаб келган шахслар билан профилактика ишлари олиб бориш, уларни иш билан таъминлаш ва меҳнатга жалб қилиш, керак бўлса, гиёҳвандликдан даволаш масалалари ҳам имкон қадар ҳал этилмоқда. Аммо, шундай бўлса-да, бир жиҳатини доимо ёдда сақлашимиз шарт. Бир инсоннинг тўғри йўлдан озиб, жиноят қўчасига кириши фақат у яшаган оиланинг фожиаси эмас. Қолаверса, уша оиланинг "ибрат"и орқали фарзандимизнинг ноқобил йўлга кириб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, ён-атрофимиздагиларнинг ҳаракатлари-ю тақдир бизнинг келажакимиз билан бевосита боғлиқ эканлигини доимо ёдда тутайлик ва шунга қараб ҳаракат қилайлик.

Фатхулла АБДУРАХИМОВ,
Тошкент виллоят
прокуратурасининг
бўлим прокурори

ФАРЗАНД ТАЪМИНОТИНИ ЎЙЛАМАГАН...

Хайрулло Худойбердиевга Нурота туман судининг 1994 йил 20 майдаги ҳал қилув қарорига биноан даъвогар Б.Қодировнинг қарамоғида бўлган 1992 йилда туғилган Мафтуна Рўзиковна ва 1993 йилда туғилган Достон Рўзиковларнинг моддий таъминоти учун, улар вояга етгунга қадар ҳар ойда ишлаб топган даромадининг учдан бир қисми миқдорда алимент ундирилиши белгиланган эди.

Аммо Х.Худойбердиев 2008 йил ноябрдан 2009 йил апрелгача алимент тўловларини тўлашдан бўйин топаб, жами 359 минг 954 сўм алимент тўловларини тўламадан келган. Бу билан Х.Худойбердиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддан 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этган. Оқибатда Х.Худойбердиев мазкур жинояти учун судда жавоб беришига тўғри келди.

Судда судланувчи Х.Худойбердиев айбига тўлиқ иқдор бўлди ва қилмишини пушаймонлигини айтди. Ўзининг ҳам тўрт фарзанди борлигини, қиш мавсумида иш бўлмаганлиги сабабли алиментни ўз вақтида тўлай олмаганлигини, ҳозирги кунда 200 минг сўм тўлаганлигини, қолган қисmini ҳам тез кунда тўлашини билдириб, ўзига енгилроқ жазо берилишини сўради.

Фарзандлари таъминотини ўйлаганда ота албатта тегишли жазосини олиши керак. Суд қарорига эса бу ўз ифодасини топди. Хулоса тарида шуни айтмоқчимизки, аввало, ҳаётда алашмаслик лозим. Алашдингми, хатоингми тузатишинг, ҳеч бўлмаганда шунга ҳаракат қилмоғинг шарт.

Ф.ҚОДИРОВ,
Нурота туман прокурори ёрдамчиси

Соғлиқ - энг катта бойлик. Буни саломатлигини йўқотган киши бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилади. Баъзан давраларда: "Фалончи соппа-соғ-у, ногиронлик нафақаси олади" ёки "Таниш-билиш бўлса, "ногиронлик"ка чиқиш қийин эмас", дейишади. Бу ҳангомалар ҳақиқатга яқинми?

СОҒЛОМ "НОГИРОН"

Субҳон Усмонов туман марказий касалхонаси асаб касалликлари бўлими даволовчи врач вазифасида ишлаб келган. Унинг билими, тажрибасини инобатга олиб, 8-сон тиббий меҳнат эксперт комиссияси аъзоси этиб тайинланган. Аммо, оқ халат соҳиби, аввало касб қасамёдини, қолаверса, бурч масъулиятини унутди. Қўннинг ишончини суниётсиз қилди. "Бу қўнғирлик ортда С.Усмонов ҳеч қандай манфаат кўрмаган", десак ким ҳам ишонарди. Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайдику-я! Яна ким билди, дейсиз?

Усмонов деневлик К.Бўроновни (исм-фамилия ўзгартirilган) 2005 йил 30 июнда невропатолог сифатида объектив тиббий кўрикдан ўтказмай туриб, беморнинг ҳолати 1-группа ногиронлиги берилишига тўғри келма-да, унга 1-группа ногирони деб хулоса беради. Тиббий ҳуж-

жатлари тўлиқ бўлмаган бемор Бўронов бир йил давомида ортиқча 79 904 сўм нафақа олади.

2006 йилда у туман марказий касалхонасида ётиб даволанмайдди. Бироқ, ТМЭКга тақдим этиладиган ҳужжатлари орасига 2 майдан 16 майга-ча асаб касалликлари бўлимида ётиб даволанганлиги тўғрисида сохта касаллик тарихидан қўчирма киритилади. "Ҳолатбарор" С.Усмонов касал-

дават ҳисобидан ҳотамтойлик қилган врач С.Усмонов давлатга жами 643844 сўм моддий зарар етказди.

Қилмишига яраша жазога тортилган С.Усмонов фаолияти давомида соғлом ва ногирон кишини бир-биридан фарқлашда билим ва тажриба билан ҳалоллик, адолат, масъулият ҳам талаб этилишини билиб олди.

Ислом ТЎРАЕВ,
Шофиркон туман прокуратураси терговчиси
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Тўрт ярим йил муқаддам Андижон шаҳрида содир этилган террор хуружнинг қурбонларидан бири Фанижон Абдурахимов ҳаёт бўлганида 55 ёшга туларди. Хабардор бўлган заҳоти воқеа жойига етиб бориб, фожянинг олдини олишга интилган Андижон шаҳар прокурорини қуролланган террорчилар қийнаб, азоблаб иймон эътиқодига қарши боришга мажбурлашди. Бироқ унинг иродасини бука олишмади. Мард инсон умрининг сўнги дақиқасигача Ватанига, хизмат бурчига солиқ қолди.

Андижон вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Фанижон Абдурахимов иш фаолиятини бошлаган Пахтабод туманида "Ёшлар терроризмга қарши" шiori остида хотира турнири ташкил қилинди. Туман марказидаги Иқтисодиёт

коллекжга турли шахар ва туманлардаги мактабларнинг ўқувчилари, шахмат ихлосмандлари ўқитувчилар етакчилигида ташриф буюришди. Коллекжнинг Фанижон Абдурахимов портрети қўйилган спорт залида саф тортишди. Она Ватанимиз мадҳиясига ҳамоҳанг юртимиз байроғи кўтарилди.

Вилоят прокурори Б.Деҳқонов турнирни очар экан, 13 май воқеаларини эсга олди. Юртбошимиз раҳбарлигида кўрилган қатъий чоралар, халқимизнинг бирдамлиги туфайли бир ҳовуч

ларига эришиш учун ваҳишона усулларни қўллашди, — деди Б.Деҳқонов. — Фанижон Абдурахимовни турли қийноқларга солиб, икки маротаба оломон ўртасига олиб чиқилди. Конституциявий тузумимизга қарши гапиришни талаб қилишди. Бироқ, Фанижон Муллажонович Ватанига, касбига солиқ қолди. Хизмат вазифасини ўтаётган чоғда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

— Прокурор таъкидлаганидек, ёшларимиз Фанижон Абдурахимов каби Ватанимизнинг



БУРЧГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

террорчиларнинг ҳокимиятни эгаллаб олишдан иборат режалари барбод этилди.

— Террорчилар ёнғуз мақсад-

мард ўғлонларидан ибрат олишмоқда. Билим масканларида дилларига Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини эълан қилишмоқда.

Шундан сўнг Пахтабод тумани ҳокими Ш.Абдурахимов Ф.Абдурахимовнинг ибратли ҳаёти, қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Унинг хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирнинг барча иштирокчиларига зафарлар тиланди.

Марҳумнинг турмуш ўртоғи Б.Абдурахимова кўрсатилган эътибор учун миннатдорчилигини ифода қилди. Хотира турнирининг ташкилотчилари марҳумнинг оила аъзоларига эсдалик совғаларини топширишди.

Гимнастика машғулотларига қатнашган ўқувчи қизларнинг кўрғазмали чиқишлари, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчи-

ларининг шахмат доналари каби жонли юришларидан иборат саҳна кўринишидан сўнг мусобақага старт берилади.

— Хотира турнирига вилоятимизнинг барча шахар ва туманлари вакиллари — 200 нафар ўқувчи ташриф буюришган, — деди Пахтабод туман прокурори М.Ибрагимов. — Улар швейшарча усулда суршишди.

Мусобақа ниҳоятда қизиқарли кечди. 7 турдан иборат баҳсларда қизлар орасида пахтабодлик М.Ҳошимова ғолиб чиқди. Шаҳрихонлик И.Тожибова иккинчи, асаалик Х.Турсунова учинчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар баҳсида пахтабодлик Ҳасан ва Хусан Эркинжоновлар биринчи-иккинчи ўринни, Ж.Маҳмудов учинчи ўринни ишғол этишди. Ғолиблар дипломлар ва қимматбаҳо

совғалар билан тақдирланишди.

Энг муҳими, хотира турнири барча иштирокчиларда ўчмас таассуротлар қолдирди.

— Мусобақага Жалақулқуддан келдим, — деди Р.Абдураҳимов. — Марҳум Фанижон Абдурахимов ҳам жалақулқудлик эди. Унинг хотирасига бағишланган турнирда қатнашганимнинг ўзи мен учун катта бахт.

— Фанижон аканинг мардлиги қаршисида бош эгамиз, — деди Д.Умарова. — Террорчилар келтириб чиқарган муҳим фожяларни теранроқ англаб, ҳис этидик. Билимларни чуқур эгаллаб, террор хавфига қарши курашнинг олдинги сафларида бўлишимиз даркор.

Фанижон Абдурахимовнинг ёрқин сиймоси ёш авлод дилида Ватанга, хизмат бурчига садоқат тимсолларидан бири бўлиб қолди.

Махмураҳон ОРТИҚОВА,
журналист

Исроил ИБРОҲИМОВ,
"Huquq" мухбири



Мустақиллик шарофати билан сарқуш дийрими кун сайин гуллаб яшамоқда. Осмонўлар бинолар қад ростлаб, билим даргоҳлари, маданий-маиший объектлар барпо қилинапти. Тадбиркорлик ва фермерлик ривожланмоқда. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг бундай узоқни кўзлаб олиб бораётган ислохотлари мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқларга ҳам бирдай тааллуқли. Жорий йилнинг мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Бундан кўзланган мақсад қишлоқдаги инфра тузилмани ривожлантириш, аҳолининг фаровон яшашини учун старли шарт-шароитлар яратиб бериш. Бир сўз билан айтганда, шахар билан қишлоқ ўртасидаги

хусусий фирмаси Халқ банкдан 30 млн. сўм кредит олиб, алюминийдан эшик, деразалар ишлаб чиқаришни бошлади. "Каримова Зухра" хусусий фирмаси 50 млн. сўмлик кредитларига озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи янги савдо дўкони қуришди. "Амударё" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган "Нилуфар - Хожайли" фермер ҳўжалиги Микрокредитбанкдан олган 160 млн. сўм кредитларига қишлоқда замонавий тилдаги сутни қайта ишлайдиган корхона қуришмоқчи. Агар эртага мазкур иш амалга ошса, қишлоқнинг 25 нафар аъзоси иш билан таъминланади. Кунига 5 тонна сутни қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ТУРМУШИМИЗ

БУНДАН ҲАМ ЯХШИЛАНАДИ

тафовутни йўқотиб, аҳолининг турмуш даражасини оширишдан иборат. Бундай ўзгаришлардан ҳўжайиликлар ҳам бебаҳра эмас.

Шуни қайд қилиш жоизки, шу йилнинг 9 ойи давомида туманда аҳолига турар жойлар қуриш учун ер ажратиб бериш 104,4 фоизга, газ қувурлари ўтказиш 112 фоизга, тоза ичимлик суви қувурлари ётқизиш 105,7 фоизга ва ички ҳўжалик йўллари тизатиш 100 фоизга бажарилди.

Туман бўйича шу кунгача кичик бизнес субъектлари 541,2 миллион сўм кредит ресурслари ажратилди. Амалга оширилган ишлар ва берилаётган кредитлар натижасида Дастур бўйича туманимизда 2547 та янги бўш иш ўринлари яратилиб, шундан 391 таси кичик корхоналарни ташкил этишга, 278 таси яқка тадбиркорликни ривожлантиришга, 265 таси фермер ҳўжаликлари, 300 таси касаначилик, 315 таси паррандачилик, асаларичилик ҳамда балиқчилик ва яна 214 таси бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилди.

Яқинда тумандаги "Керамика Хожели"

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Аҳоли саломатлиги - давлатимиз муҳофазасида. Бунини эътиборга олган ҳолда туманда туман тиббиёт бirlашмаси томонидан "Саломатлик-2" ва "Шошилинч тиббий ёрдам бўлими"ларни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш инвестиция лойиҳалари доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, туман тиббиёт бirlашмасига 2009 йил июль ойида тез тиббий ёрдам бўлими учун 2 та "Дамас" автомобили олинди. 5 та қишлоқ врачлик пунктлари "Саломатлик" лойиҳаси асосида 6 млн. сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланди. "Аёллар ва болалар" саломатлигини мустаҳкамлаш инвестиция лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бirlашмаси турмушхонаси янги зарурий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йиллигида бу каби ижобий ишлар билан бир қаторда Дастурнинг айрим бандларида кўрсатилган тадбирлар ҳанузгача эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Дастурга мувофиқ туман ҳудудида уй-

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, безаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва бошқа ишларни ташкиллаштириш мақсадида ҳокимнинг жорий йил 16 мартда №256-сонли фармойиши асосида "Элнинг кўрקי қурилиш" МЧЖ корхонаси ташкил этилган бўлса-да, шу вақтгача ушбу корхонанинг моддий базаси ҳал қилинмаган, корхонага кредит ажратиш масаласи ечилмаган. "Саманқул" ҚФЙ ҳузуридagi "Тўяқаш овул" участкасида посёлка кўринишидаги 40 та котежлик иморат қурилиши йил якунланишига кам вақт

нинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош Бошқармаси томонидан жорий йилга жами 38 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган. Бироқ шу вақтгача туман ҳокими номига 200 та ариза тушган бўлса-да, фақатгина 8 та кам таъминланган оилага қора мол олиш учун 7 млн. сўм кредит берилиб, қолган 31 млн. сўм миқдоридagi имтиёзли кредитни бериш масаласи ҳалигача ҳал қилинмай қолмоқда. Президентимизнинг юқоридagi қарори асосида қабул қилинган "Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга қўмақлашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларида қорвалчиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли

қолган бўлишига қарамадан, посёлка бош лойиҳаси ва лойиҳа сметаси ҳалигача ишланмаган ва қурилиш ишлари бошланмаган.

Туман прокуратураси томонидан прокурор назорати тартибидa туман ҳудудидagi ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш аҳоли ўрганилиб чиқилганда туманда 7 та коллеж мавжуд бўлиб, 2007-2008 ўқув йилида 1592 нафар талаба тугатганлиги аниқланиб, бу талабаларнинг 1408 нафари ишга жойлашганлиги ҳақида ҳисобот берилган. Аслида эса 1398 нафари ишга жойлашган. Бу бўйича прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 март 2006 йилдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорва молларини қўпайтиришни рабатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, жорий йилда тумандаги тижорат банклари томонидан кам таъминланган оилаларга имтиёзли кредит берилиши ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки-

микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига қўра, туман ҳокимлигида фуқароларга имтиёзли кредит бериш бўйича махсус комиссия тузилиши ҳамда ушбу комиссия фуқаролардан келиб тушган аризаларни қўриб чиқиб, кредит бериш мумкин бўлиб, ҳулоса бериши кўрсатилган бўлса-да, туман ҳокимлигида бундай комиссия тузилмадан кредит бериш бўйича нотўғри амалиёт йўлга қўйилганлиги аниқланди.

Юқоридagi қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши аҳоли бўйича ўтказилган текшириш натижасида туман ҳокими номига 1 та тақдимнома киришди.

Бажарилган ишлар мавсумий иш эмас. Бунёдкорлик ишлари кейинги йилларда ҳам давом этиши шубҳасиз. Аҳоли учун, умуман тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имкониятлар бизни бундан ҳам улкан ютуқларга эришишимизга асос бўлади.

Султонбой ИБРАИМОВ,
Ҳўжайли туман прокурори
Нуриддин ОКНАЗАРОВ,
"Huquq" мухбири



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 17 йиллиги олдидан

(Давоми. Бошлангани 1-бетда)

Конституция инсон манфаатларини ҳимоя қиловчи юксак таъин бўлиб, фуқароларимизнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этишда асосий мезондир. Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ҳам ана шу энг мақсадга йўналтирилган. Чунки, юртбошимиз ибораси билан айтганда: "Аслида инсон бахт учун, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш учун туғилган".

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дейилганда, Ўзбекистон давлати томонидан ўрнатилиб, Конституцияда белгиланган, ҳар бир фуқарога берилган имтиёзлардан шахсий ҳаётида ва жамоат ишларида қатнашиш учун фойдаланиш имконияти тушунилади. Шу сабабли, айтиш мумкинки, Конституцияда давлатимизнинг демократик моҳиятини келиб чиққан ҳолда асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқий қафолатлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциямизнинг энг катта ва муҳим қисми бу "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган иккинчи бўлимдир. Мазкур иккинчи бўлимнинг X боби эса айнан инсон ҳуқуқлари ва эркин-

ликларининг қафолатларига (43-46-моддалар) бағишланиб, "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлайди", деб белгиланган.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кўпчилигига фуқаролар табиий равишда эга бўлади. Давлатнинг инсонпарварлик, демократик вази-фаси эса, қонунларда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини, рўёбга чиқишини таъминлашдир. Бу ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб, уларни давлат турли воситалардан фойдаланган ҳамда

тузиянинг 37-моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари мустақамланган бўлса, ана шу ҳуқуқни таъминлаш "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги қонун билан амалга оширилади.

Конституциянинг 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади", деб белгиланган. Демак, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши

римов айтганидек, Республикада бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда аҳолининг маълум қисмини иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаб туришнинг аҳамияти эътиборга олинган. Демак, Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодиёти-ни ислоҳ қилиш дастурининг беш тамойилидан бири-кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади.

Ёшларнинг, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигини фақат конституцияда қайд қилиниши ўзи билан чекланиб бўлмайди. Бу конституциявий

қод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузума қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган чеклашлар булдан мустақнодир" деб белгилаб қўйилган.

Фикр юритиш бу — инсоннинг ўз билими ва ишончига асосланиб, ҳаёт, жамият, давлат ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга доир мулоҳаза ва қарашларини эркин баён қилиш ҳуқуқидир. Инсон ва фуқароларнинг бу ҳуқуқи Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро-

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ — ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

муайян тadbирларни ўтказган ҳолда амалга оширади. Бу тadbирлар ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Конституциянинг 2-моддасида фуқаролар олдида давлат органлари масъулиятининг белгиллаб берилиши ҳам Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини ўзининг турли органларига юклайди. "Маҳаллий давлат ҳокими-яти тўғрисида" ги қонуннинг 24,25-моддаларида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муҳофаза қилиш вазифаси юкланган.

Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини оддийлаштириш ва осонлаштириш учун давлат қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Масалан, Консти-

туциянинг 37-моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари мустақамланган бўлса, ана шу ҳуқуқни таъминлаш "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги қонун билан амалга оширилади.

Шунингдек, фуқароларнинг давлат идоралари, мансабдор, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари бир неча амалдаги қонунларда мустақамланган. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги, "Ер тўғрисида" ги ва бошқа ўнлаб қонунлар ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Конституциянинг 45-моддасида "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида қўллаб-қувватланади" деб белгиланган.

Ўзбекистон инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриши ўз олдида мақсад қилиб олган. Бу эса жамиятнинг айрим тоифадаги, ҳимояга муҳтож, заиф кишилар давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши зарурлигини таъкид-этади. Президентимиз Ислам Ка-

римов айтганидек, Республикада бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда аҳолининг маълум қисмини иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаб туришнинг аҳамияти эътиборга олинган. Демак, Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодиёти-ни ислоҳ қилиш дастурининг беш тамойилидан бири-кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади.

Юртбошимизнинг — "Аҳолининг энг ночор қатламлари: Кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан муҳофазага бўлган қафолатли ҳуқуқларини таъминлаш, Конституцияда белгиланган асосий ҳимоя ва мақсадлардан биридир", деган сўзлари кундалик ҳаётимизда тўлалигича ўз тасдиғини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эъти-

ларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги Қонуни билан қафолатланади.

Ушбу қонунда фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш тартиби ва муддатлари аниқ белгиллаб қўйилган.

Юқоридаги фикрларга асосланидан бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини аҳолига ва айниқса, ёшларга тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда бу борада Президентимиз Ислам Каримов томонидан берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва ташкилотларнинг ўта масъулиятли вазифалиги аён бўлади.

Абдурашид МАННАНОВ,
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

Бугунги кунда ўтган ўн етти йил давомида амал қилиб келаётган ва ривожланиб бораётган Конституциямизнинг жамиятимиз ривожланиши, ҳар бир фуқаромиз ҳаётидаги, ҳалқимиз ва Ватанимиз тақдирини ҳамда барқарор тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги аҳамияти кундан-кунга орттиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг чуқур илдизлари ва дунё мамлакатларининг конституционализм амалиётини жорий этишдаги илғор тажрибасига асосланган ҳолда, халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий тафаккурининг маҳсули сифатида, икки марта умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, сўнгра Олий Мажлис томонидан қабул қилинганлиги боис, республикамиз конституциявий тараққиётининг муҳим босқичига айланди.

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида Ўзбекистон Республикасининг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришдек улуғвор мақсадлари баён этилган бўлиб, бу мақсадга эришишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари унинг асосий қисмида мустақамланган.

Унда Ўзбекистонда ўрнатилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий тизимнинг инсонпарвар, адолатли қиёфаси кўрсатилган ҳамда умуминсоний қадриятлар, Республика фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қафолатланиши, давлат органлари ташкил топилишининг демократик қоидалари, уларнинг тизими, фуқароларнинг жамоа уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий қоқоми, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қиловчи органлар фаолияти каби муҳим масалалар қонуний ифодасини топан.

Мамлакатда айнан қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг конституциявий ўрни жуда муҳимдир. Жумладан, Конституциямизнинг прокуратура соҳасига бағишланган XXIV боб 118-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратура ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади" — деб белгиллаб қўйилган. Конституциямиз мамлакатимиз ва миллиятимизни бутун дунёга чинакам озод халқ ва мустақил давлат сифатида қайтадан танитиди.

Бундан ташқари давлатимизнинг нафақат бугунги, қолаверса, эртанги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маънавий ва маданий соҳалардаги барқарор тараққиёт, халқимизнинг асрий орзу-умидларини, унинг руҳияти, онги ва шуурини ўзида тўлиқ акс эттирганлиги Конституциямиз нормаларида ўз ифодасини топиб, қонуний мустақамлаб қўйилганлигидир.

Аввало Конституциямизнинг юксак нуфузи, қадр-қиммати шундаки, у инсон ва унинг қамолотини олий мақсад деб тан олди, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда, инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш тамойилини онгу шууримизга сингдирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, "Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгиланганлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва э-

ркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳриб" қўйилган.

Асосий қонунда мустақамланган устувор нормаларнинг, жумладан, инсон ҳуқуқлари оид қоидаларнинг амалга оширилиш механизми, конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг турли жиҳатлари илмий-оммабоп, яъни халқ тилида таҳлил этиб берилган. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқларининг таъминланганлигига устувор эътибор қаратилиши лозим. Худди шундан келиб чиқиб, Конституциямиз

глик, эркинлик, биродарлик, ҳалқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади".

Шу сабабли ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи ҳалқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутди ва қонунчилик нормаларида Конституциявий даражада мустақамлаб қўйилди. Давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари бўлган муносабатининг конституциявий қафолати сифатида 13-моддада "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти,

инсон шахсини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлаш йўлини тутган. Бу унинг адолатли ва инсонпарвар табиатидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Президент Ислам Каримов қисқа ва лўнда таъриф берган: "Бу Конституция ўзининг тўб моҳияти, фалсафаси, ғояси-га кўра янги ҳужжатдир, — деб таъкидлайди. — Унда коммунистик мафкура, синдийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамият дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурди ва шу асосда "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интидир".

Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократия талабларига таянганлиги ҳам Конституциянинг хусусияти саналади. Конституцияда жинси, миллати, irqи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситиладиган бирорта ҳам молда йўқ. Бу борада Юртбошимизнинг ушбу сўзлари тахминга сазовордир: "Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар — тен-

эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳақсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деган ўта мазмунли қоида мустақамланган.

Мамлакат миқёсида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга қатъий риоя этиш масаласи дунёда катта қизиқиш билан кузатилади. Ҳозирда шу нарса аниқ бўлмоқдаки, янги пайдо бўлаётган демократик шаклдаги бошқарувини жорий этаётган давлатларда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган миллий институтлар демократиянинг яққол намунаси сифатида қабул қилинмоқда. Конституциямизни тўла ишонч билан демократиянинг яққол намунаси дейиш мумкин.

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, конституцияни таъбиқ этиш амалиёти, унинг сиёсий тизимдаги тутган ўрни, ҳаётимизни унга асосан ташкил этишнинг илғор конституциявий усулларининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг конституциявий давлат эканлигидан далолат бермоқда. Бу борада Конституциямиз Ўзбекистоннинг халқимиз орзу қилган нури келажак сари етаклайдиган маёқ вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

Бугун инсоният цивилизациясига очикдан-очиқ тўсиқ бўлаётган, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиқдий хавф туғдириши аққол намоён бўлаётган уюшган жиноятчилик, ҳусусан, халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-аслаҳаларни ноқонуний сотиш билан боғлиқ жиноятлар қаторида одам савдосининг (траффик) ҳар қандай кўринишига қарши кураш муаммоси ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида "одам савдоси" ёки "траффик" юридик атамасини тез-тез эшита бошладик. Хўш, траффик деганда нима тушунилади? "Траффик" лотин тилидаги "traffico" сўзидан олинган бўлиб, уни италийликлар муомалага киритган. "Траффик" италияча "тижорат", "савдо" маъносини билдиради.

Бу сўз дастлаб "табак траффик" шаклида қўлланилган бўлиб, унинг ўзбекча маъноси "тамаки савдоси", "тамаки билан тижорат қилиш" демакдир. Кейинчалик италийликлар уни қишқича "траффик" деб аташга оғайналганлар. Шу тарзда "трафф" сўз ўзига асосида янги сўз - "траффик", яъни одам савдоси ёки замонавий қулликнинг шакли деб тақдир этилмоқда.

Она тилимизнинг соғлигини асраш, шунингдек, ушбу сўзни тушунишда қийинчилик туғилмаслиги учун қонунариимизда "траффик" атамаси ўрнига "одам савдоси" атамаси ишлатилиши мақсадга мувофиқ деб топилган.

байнида бу турдаги 97 та жиноят ишлари тергов қилинган. Бундай жиноятни содир этганлар 80 нафарни ташкил этган бўлса, шундан 26 нафарини аёллар ташкил этган. 441 нафар жабранувчиларнинг 33 нафарини аёллар, 1 нафарини вояга етмаган ва 408 нафарини эркеклар ташкил этган.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара билмас қилиниши экани боис, унга қарши кураш билан боғлиқ халқаро ҳужжатларни яна бир бор эслаб ўтиш жоиздир.

Одам савдосига қарши курашиш масаласи илгирима биринчи асрга ўтган асрлардан "мерос" бўлиб қолди дейиш мумкин. Бундан одам савдосига қарши кураш ҳақидаги биринчи халқаро ҳужжат 1899 йилда Лондон шахрида бўлиб ўтган халқаро конференция-

маллаштириш, одам савдосидан жабранланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. 17 та моддани ўз ичига олган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, жумладан, ИИВ, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу йўналишдаги фаолиятлари республика ва ҳудудлардаги Идора-рларро комиссиялар томонидан мувофиқлаштирилиб боришмоқда.

Мазкур қонунда одам савдоси тушуначиси ва унга қарши кураш деганда нималар тушунилиши кенг ёритиб берилган. Жумладан, одам савдоси деганда - куч билан тах-

бундай ишлар билан шугулланувчи шахслар ўз кирдиркорларини яшириш мақсадида савдонинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Аввало, бунинг учун одамларни хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, паспорт ва шахсий ҳужжатларини қалбақиллаштиришга уринадилар.

Манзилга етиб борган савдо қурбони эса ўз ҳуқуқ ва эркинлигидан батамом айрилади. Чунки, одам савдоси билан шугулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётганларни имкон қадар ўз назоратидан ушлаб туриш ва кўпроқ фойда олиш мақсадида, уларнинг шахсига оид ҳужжатларини (паспорт, миграция қарточкаси ва ҳ.к.) ноқонуний эгаллаб, хорижий давлатда эркин ҳаракатланиш, ҳимояси остида бўлган давлатнинг тегишли ваколатхоналари муружаат этишига тўсқинлик қиладилар. Яъни, бу шахслар ўзини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилади.

Фирибгар қўлга тушган, одам савдоси қурбонига айланган шахсларнинг характеридан келиб чиқиб баҳоланганда, уларнинг аксарияти уларга нисбатан жисмоний ва руҳий таъзия ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошқор бўлишидан чўчиша, қолган қўлчилари ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фой бўлишидан кўрққанлар-

Бундан ташқари, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-м "и" банди), фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-м), фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (141-м) ва бошқа шунга ўхшаш жиноятлар таркиблири мавжуд.

Мазкур жиноятларнинг мотив ва мақсади фарз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутди. Чунки одам савдосидан қўзланган асосий мақсад ҳам жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлишдир. Одам савдоси тоифасидаги жиноятларни сотиш эҳти сулулари ҳақида халқаро ҳуқуқда ягона тўхтамга келинмаган. Бу юридик атамга ҳақида универсал баёнларда қайд этилишича, мазкур жиноят унинг қурбонларини аллаш йўли билан содир этилмоқда. Алдан усуллар турличадир. Жумладан, жабранувчиларга кўп миқдорда маош тўланадиган иш тоиб беришни ваъда қилган ҳолда уларни бошқа давлат ҳудудига ўтказиш, чет элда никоҳдан ўтиш учун танишиш баҳонасида бир давлатдан бошқа давлатга олиб бориб сотиш ҳоллари ҳам учрайди.

Шунингдек, бошқа давлатга ўтказилган инсонларга нисбатан куч ишлатиш, яъни жисмоний

ОДАМ САВДОСИ — ГЛОБАЛ МУАММО

Таассуф билан айтиш керакки, ҳамон инсонларни камситиш, ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар сақланиб турибди. Реал вазият бундай жиноятга қарши курашни янада кучайтириш, бу борда давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустоҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда қулларни бериштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Айнан одам савдоси муаммосига оид халқаро қонунчилик меъёларини чуқурроқ таҳлил қилиб, тақомиллаштиришга киришилгани ҳам мазкур муаммонинг жамият тараққиётига жиқдий таҳдид эканидан дарак беради.

Биргина мисол, 2008 йилнинг февраль ойида Австрия давлатининг пойтахти Вена шахрида БМТнинг жиноятчилик бўйича оғоҳлантириш ва жиноят ишлари юзасидан одил судлов комиссиясининг қарори асосида 116 та мамлакат вакиллари ва экспертлари иштирокда одам савдосига қарши курашга бағишланган йирик халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур талбир ҳақида интернет орқали тарқатилган маълумотларда келтирилишича, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2 млн. 700 минг нафар инсон одам савдоси каби ўта оғир жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Айниқса, ушбу тур жиноятдан жабранланганларнинг 80 фоизини аёллар ёки ёш болалар ташкил этаётгани ташвишли ҳолдир. Мазкур жиноятчилик натижасида олинган йиллик "мўмай даромад" миқдори 7 млрд. АҚШ долларида ҳам ошиб кетаяпти.

Яна таҳлилларга қайтайдиган бўлсак, Ўзбекистонда 2005-2007 йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одам савдоси қурбонига айланган фуқаролардан миндан ортиқ аришлар келиб тушган. Уларнинг муружаатлари асосида етти юзга яқин жиноят ишлари кўзга-тилган. Тергов натижаларига кўра, 604 нафар шахсга нисбатан 287 та жиноят ишлари айблов ҳулосалари билан судга юборилиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилган.

Биргина Жиззах вилоятида 2009 йилнинг ўтган 10 ойи мо-

да қабул қилинган "Аёллардан шаҳоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида"ги резолюция тасдиқланди. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган. Шу ўринда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилнинг 21 мартда қабул қилинган "Одам савдоси ва фохишаланишнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияни алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Чунки Ўзбекистон Республикаси ҳам 2003 йилнинг 12 декабрида мазкур халқаро ҳужжатга қўшилган.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55-25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида оғоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома ҳам Ўзбекистон томонидан 2001 йилнинг 28 июнида имзоланган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар ҳам ратификация қилинди.

Одам савдоси каби глобал муаммога қарши курашиш ҳамда ундан жабранланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, яъни одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, оқибатларини миним-

диз қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурият шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахсининг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиниш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади. Одамлардан фойдаланиш - бошқа шахсларнинг фохишаланишдан фойдаланиши ёки улардан шаҳоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одаларни, эркин ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Одам савдосига қарши курашиш деганда - одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабранланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият тушунилади.

Одам савдоси билан шугулланувчи шахс деганда эса мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек, ўз ҳаракатларини билан одам савдосига кўмаклашадиган, гарчи ўз мансаб ва вазифалари қўра тўсқинлик қилиш ва қарши курашишни шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайидиган мансабдор шахс тушунилади.

Маълумотлардан кўринишича, одам савдоси билан шугулланувчи шахслар бундай савдонинг қурбонига айланаётган шахсларнинг ишончига кириши уларнинг ишларини янада осонлаштиришини яхши билганликлари ҳолда, бундай ишларга фирибгарликка мойил шахсларни жалб қилишга уринмоқдалар. Ўз ўрнида бундай шахсларнинг қурбонига, биринчи ўринда уларнинг қариндош-уруғлари, қўни-қўшилари ва маҳалладошлари айланмоқда.

ни ташкил этади. Яъни, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига кўра латент характерга эга бўлиб, бундай жиноят қурбонларининг аксарияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга муружаат этмайдилар. Бу ҳолатлар эса одам савдоси билан шугулланган шахсларнинг жавобгарликдан қўтилиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади.

Бу ҳолатлар барчаси эътиборга олинган ҳолда "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун асосида - одам савдосига қарши курашиш бўйича идораларро комиссиялар тузилди ва шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан Идораларро комиссия таркиби белгиланиб, унга раҳбарлик қилиш Президентимиз томонидан Республика Бош прокуратурига топширилганлиги прокуратура органларига янада кўпроқ масъулият юклатди.

Вилоятларда эса одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларро комиссиялар тузилган бўлиб, уларга вилоят ҳокимлари раҳбарлик қилмоқда. Бундан ташқари мазкур Қонунга мувофиқ ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2008 йил 8 июлдаги қарори билан 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича Миллий талбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Шу ўринда одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этганлиг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жавобгарлигини назарда тутган меъёр борми, деган ҳақи савол туғилиши табиий. Албатта бор. Шахсининг озолиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар акс эттирилган бода "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш" (135-м), "Одам ўғирлаш" (137-м), "Зўриқ ишлатиб гайриқонуний равишда озоликдан маҳрум қилиш" (138-м) деган меъёрлар мавжуд.

азоблаш, қийнаш, овқат бермасдан қамаб қўйиш, базан турли даражадаги тан жароҳати етказиш, куч ишлатиш таҳдиди, яъни жинсий қулликка ёки фохишабозлик билан шугулланишга рози бўлмаган инсонни (вояга етмагани) ўлдирш билан кўрқитиш, чет элда яшаш учун рўйхати бўлмаган, кириш-чиқириш норасмий бўлганларни ўша давлатнинг тегишли хизматлари га ушлаб бериш таҳдиди билан кўрқитиш ёки жула кўп миқдорда жарима тўлашга мажбур қилиш, товламачилик, яъни унинг яқинларини, фарзандларини эл-юрт олдида шарманда қилиш, уларнинг шаън-қадр қимматини камситувчи, обрўсимлангирувчи турли уйдирмаларни тарқатиши мумкинлигини айтиб кўрқитиш орқали ҳам бундай жиноятлар амалга оширилиши мумкин. Шу ўринда қайд этиш керакки, ўз ватанидан ўзга юртларга алдаш йўли билан олиб чиқиб кетилган, жинси ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир инсон таҳқирлаш (эксплуатация), ҳуқуқларининг чекланиши оқибатида улар ҳар қандай "йомуш"ни бажаришга мажбур бўлади.

Бундай ноҳуш ҳолатларни санаб ўтиш билан бирга ҳар бир фуқаро, шунинг билан бирга жойлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарши органлари, нодавлат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши лозимлигини уқтириб ўтмоқчиман.

Бундан қўзланган олий мақсад - одам савдосидан жабранланганларни ҳимоя қилиш, уларни нормал ҳаёт тарзига, шунинг билан бирга профилактика, яъни бу каби жиноятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, халқимизга унинг маъзун-моҳиятини чуқурроқ тушунишни жараёнида фаол иштирок этиш, энг асосийси, бунга кенг жамоатчиликни жалб этишдир.

Г. ҲАМПАЕВА,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Одамзоднинг табииати қизиқ. Истаса яхшилик қилади, қасд қилса ёмонлик. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўз қисмига йўқотмаслиги керак. Ахир у дунёга эзгулик улашниш учун келган.

Қирқни қоралаган Муҳиддин Сирожиiddинов бирдангина қотилга айланиб қолгани йўқ. Содир этган қотиллиги анчайин оғир, ваҳиёна...

Уни пул вазасаси йўлдан оздирди. Ҳамма нарсани пул билан ўлчаётган бўлди. Пули борга эгилди, пули йўқни менсимасди. Аслида ёлгон, адов йўли билан топаётган пуллари уни шундай аҳволга солиб қўйган эди...

Муҳиддин ҳеч ерда ишламас, Учкўприк тумани Қирғиз қишлоғидаги мол бозорига далолатлик — чорва ҳайвонларини олиб-сотиш билан шуғулланар эди. Бозорнинг норасмий боғ-даллоли ҳисобланиб, сотиладиган қорамол ёки қўйга белгиланган нархнинг ҳеч қачон ўзгариши олмади. Фақат ҳамқиллоғи, даллолик билан ундан кўпроқ вақтдан буён шуғулланиб келадиган Н.Расуловга ундан ҳайқимас, белгиланган нархнинг кўп қолларда бузиб юборар эди. Шу боисдан ҳам бу рақобатчисини ичидан ёмон кўрар, зимдан тишини қайраб юрарди. Тўғриси, Н.Расулов анчайин инсофли даллол эди.

Муҳиддин савдоси пачава бўлган кезлари унга ҳезилан:

— Савдон бузпасан, мен қўл теккизган молга яқинлашма, — деб қўқ урар эди. Н.Расулов эса унчалик парво қилмай:

— Бозор ҳаммагани, хоҳлаганига олиб, хоҳлаганига сотади, — деган жавобни қиларди.

— Кўрамиз ҳали, — деб қўярди Муҳиддин муштарини

туғиб. Бу аламли, зардали гапи замирида ёмон ниятлари гужгон ўйнаётгани унинг ўзигагина аён эди...

Текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган Муҳиддин қўшилари билан ҳам чиқимас, сал баҳона бўлса, ёқалашидан тоймас эди. 2006 йил 13 июнь кунини шундай воқеа рўй берди. Қўшини Қ.Болтабоевни томорқасига қирган бир гала товуқларини ҳайлаб юборгани учун ҳўшилдан кетиб қолгунча калтаклади. Оғир тан жароҳати олган қўшини 9 кун шифохонада даволаниб чиқди. Уни бир бориб қўришга, уэр сўрашга ярамади. Қўлимишга устидан жиноят иши очилганида, сал қўзи очилгандай бўлди. Суд ҳукми билан 2

Тунги соат 4 ларда туриб, оғил-хонага кирди. Чопқи ва тешани топиб, кираверишдаги тоқчага қўйди. Кейин "Дамас" машинасини миниб, Қўрбонқашқар қишлоғига қараб йўл олди. Н.Расулов бозорга шу томондан келар эди. Уни йўл четиди, машина ичиди биқиниб ўтирганча кута бошлади. Орадан қўп ўтмади. Ку-таётган одамнинг қораси кўринди. "Дамас"ни ўт олдириб, у томонга юрди.

— Уйда сотиладиган бўғоз сиғирим бор эди, шуни бир қўриб берсангиз, — деди у Н.Расулов ёнида машинасини тўхтатиб. Нафаси бўғизга тикилиб, зўрга гапирётган эди.

— Бозорга солиб кўравермай-сизми? — деди Н.Расулов унга.

юборди. Кучли оғриқдан талва-сага тушиб, "дод" солди. Қўзлари қонга тўлган, онгу шуури шайтон ҳайлига берилган. Муҳиддин чопқини унинг дуч келган жойига пайлар-пай сола бош-лади...

Н.Расулов анчагина бақувват одам эди. Боши, елкалари оғир жароҳатланиб, қонига бўяла бошлаган бўлса-да, ўзини тутиб олди. Жон-жаҳди билан яна тиги қон ялаган чопқини кўтарётган Муҳиддиннинг қўлларига ёпиш-ди.

— Нима қилмоқчисан ўзи, номард?!

— Ўлдираман сени! — деди за-ҳарли илондай вишиллаётган Муҳиддин ўзини ҳимоялашга уринаётган рақибига ташланиш-

кучок нур ичкарига тушиб ту-рибди. Рўй берган ваҳшийликдан қўриб кетганим, сиғир ҳам бур-чакка тикилиб олганича тек ту-рибди. Муҳиддин жасадни ёруғ-лик тушиб турган жойга судраб борди. Қон қўи қўллари билан жасаднинг қонга ботган уст-бош-лари чўнтакларини бирма-бир кавлаб, ағдариб чиқди. Унда кат-та пул бор деб ҳаёл қилган эди. "Нокия" русумли қўл телефони ва 100 АҚШ доллари бор экан, холос. Муҳиддиннинг қинидан чиққудай бўлиб турган қўзлари жасаднинг очик турган оғзиди-тилла тишларга тушиб қолди...

Аянчли ва даҳшатли аҳволга келиб қолган жасадни ҳас-ҳашак билан ўраб, ташқарига чиқди. Ювиниб, қон доғларини кетказ-

НОЙН СОФ ДИЛЛОЛНИНГ

йил ахлоқ тузатиш ишлари жа-зосига маҳкум этилди. Амнистия актига мувофиқ жазолан оозд этилди. Барибир кўнглидаги қора ниятлар тарқаб кетмади.

Ҳаммаси ниятга қараб, деган-ларидек, бозордаги ишлари чап-пасига кета бошлади. Бунинг учун у ўзини эмас, фақат Н.Расуловни айбларди, холос.

Иймони суст одамнинг кўнглида адоват уруғи тез урчи-ши бор гап. Муҳиддиннинг кўнглидаги Н.Расуловга бўлган адоват тобора кучайиб, гаразли тус ола бошлади. Уни ўлдириш, ундан бутунлай қутулиш режа-сини тузиб, қулай пайтни кутиб юрди.

Баҳорнинг иккинчи кунини, тонг ҳали отганича йўқ. Муҳид-дин шу тун ухламай, фақат Н.Расуловни қандай бўлмасин ўлдириш ҳақида ўйлаб чиқди.

— Баҳони бозор қўяди.

— Юраверинг, бир зумда... — гудранди Муҳиддин.

Н.Расулов унинг кўнглидаги ёвз ниятини билмай, илтимос-ни самимий билиб, машинага ўтирди...

Қўлдаги юлдузлар этагида тонг ёришиб келаётган эди. Муҳиддин Н.Расуловни оғилхона томонга бошлади. Ичкари қоп-қоронгу эди. Н.Расулов сигарет ўт олдиригини ёқди. Сиғир кавш қайтариб ётар эди. Арқонидан тортиб тургази. Энди кўздан кечиришга қиришган эди... Муҳиддин оғилхона эшигини аста ёпиб, қалтираётган қўлини тоқ-чадаги чопқига узатди. Унинг бу хатти-ҳаракатларини қоронғуда Н.Расулов илғамай қолди. Қутил-маганда орқа томондан зарб би-лан бошига келиб тушган қир-рали нарса кўздан ўт чиқариб

да давом этиб. Н.Расулов ҳам энди қараб ўтирмади. Қолган мадорини тўплаб туриб, Муҳид-диннинг чопқи тутган қўлига урди. Темир матоҳ учиб кетди. Аммо энди Муҳиддиннинг қўлида теша пайдо бўлди. Ҳашак-лар устига тушган чопқини чўқ-калаб олганча пайпаслаб қидира-ётган Н.Расуловнинг устига ши-тоб билан бориб, бошига сола кетди. Оғир ва қаттиқ зарбалар жароҳатидан ҳоли қўриб бораёт-ган Н.Расуловни ерга қулатди. У ўздан кетиб, қаршилик қўрсат-май қўйди...

Тонг отиб келаётган эди. Юз-қўзларига қон сачраган, ўн қўли оғриб, панжаси орасидан қон сизиб чиқаётган Муҳиддин Н.Расуловнинг жон асари қолма-ган танасига бир муддат тикилиб ўтирди.

Оғилхона дарчасидан бир

ди. Уст-бошларини янгилаб, "Да-мас" рулгига ўтирди. Эндиги ре-жаси содир этган ваҳиёна қотиллиги изларини йўқотиш эди. У жасадни кўздан холироқ жойга яширинча ташлаб юбориш учун олдин шундай жойни аниқ-лаб келмоқчи бўлди. У ғалати бир аҳволда — ҳовлиққан, довлар-ган, шошилган эди. Ўзига ўзи нималарнидир гапирар, маши-на рулини ушлаган қўллари қал-тирар эди...

Эрталабки соат 7 дан 8 гача вақт оралиғида унинг "Дамас" машинасини Катта Фарғона ка-налининг Бағдод тумани Ултар-ма қишлоғидан ўтган қисми ёқасида, Ултарма-Яйпан йўли-нинг "Риштон сой" кесиб ўтган жойида ва Сўх сойи "Чап ирмоқ канали"нинг Қулаш ҳудудида юрганини кимдир кўрди, кимдир кўрмади. У бу жой-



Тўнган қайтмаган йиғим

Куз. Айни тўйлар мавсуми. Ўша кунни ака-ука Мамадиёр билан Ўткир Шаробиддиновлар маҳалладошлари Акрамининг тўйидан қайтишгаётган эди. Кайфи ошган йигитларнинг шовқинидан ён-атрофдагилар безов-та бўлишар, аммо бирон нима де-йишга ботинишолмас эди. Шу пайт йўл бошида икки шарпа кўринди.

Уларга қўзи турган Мамадиёр укасига юзланди:

— Ўткир, қўп ичворганга ўхшай-ман. Қара, рўпарамиздан икки киши келаяптими? Ё кўзимга шундай кўринаяптими-а?

— Ака, менга ҳам икки киши кўринди.

— Шунақам... Яқинроқ келиш-син-чи! Кўрамиз, кимлар экан, — деди Мамадиёр.

Қўп ўтмай меҳмондорчиликдан қайтаётган Дилшод Эшбоев билан Бахтиёр Шерматовлар ака-укага рўпара бўлишди.

— Сигаретдан борми? — дея гап қотди Ўткир.

— Йўқ! — жавобни қисқ қилди Бахтиёр.

— Ўв, қаёққа шошасан-лар-а? Ўлдим деганда, нос ташаб кетларини! — Мамади-ёр шундай дея уларнинг ол-дини тўсди. Унинг бу қили-гидан Дилшоднинг жаҳли чиқди: — Сента йўқ дейилди-ми, бўлди-да! Бор ишингни қил! Ўйлимишни тўсма!

— Тушунмадим?! Нима дединг? Ҳали сен менга "дам" бермоқчимисан?

Бахтиёр гап талашаётганларнинг орасига тушди: — Дили, бўлди қил. Жанжалнинг кераги йўқ! Юр, тинч-

гина кетайлик!

Бу пайтда "жўжаҳўроз"ларнинг қулогига гап кирармиди?! Гап тала-шиш, жанжалга, сўнгга муштла-шишга айланди. Қутилмаганда Ма-мадиёр ёнидан пичоқ чиқарди-да: — Иккалангни чақоқдайман! — дея ра-қибларига ўқалди...

Шовқиндан безор бўлиб, кўчага чиққан Роҳида опа муштлашаётган йигитларни кўриб, милицияга ха-бар қилди.

Тез ёрдам хизмати етиб келгани-да бир неча жойидан пичоқ еган Бахтиёр вафот этган эди.

Жиноят жазосиз қолмади. Ака-ука ҳам қўлчиларига яраша жа-золарини олишди. Зеро, машҳур ал-ломанимиз Заҳриддин Мухаммад Бо-бурнинг: "Ҳар кимки жафо қилса, жафо топсундир", ...Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топсундир", дейилмиш рубойисидидаги маъно ҳар қайси давр ва замонда ўз қучини йўқотмайди.

Муродулло АБДУҲАКИМОВ,
Каттақўрғон туман прокурори

Гули ҲОЖИБОЕВА,
журналист

"НАШИДА" УЗОҚҚА ЧЎЗИЛМАДИ

2008 йил октябр ойининг 11-кунини. Атрофни қоплаган мезонлар юз-кўзга илашиб, бироз асабини бузса-да, лекин кузнинг гўзал ҳуснига ҳусн қўшарди. Бироқ, Бухоро шаҳ-ри хонадонларидан бирида яшовчи Келдиёрнинг (исмлар ўзгаририлган) аъзойи-бада-нини қақшатган оғриқ уни табиатнинг бу гўзаллигидан баҳра олишдек ҳисдан маҳрум этган эди. "Хумори" тутган Келдиёр кўшини Бакирнинг уйига чиқишга мажбур бўлди:

— Менга ёрдам беришинг керак. Мазаим йўқ, чидаёлма-ман, — унинг аҳволи абгор эди. — Кеча азиян Шодиёр-нинг уйига борган эди. Геро-ни керак эди. Илтимос...

Бакир Келдиёрнинг аҳво-лини тушунди. Бироздан сўнг икковлар Шодиёрнинг уй-ига йўл олишди. Шодиёр қутл-маган меҳмонларни қаршилар-кан, Бакир муддаого қўлди:

— Озгина героин керак. Бўлмаса, танишларингдан сўраб бер. Ҳисоби нақд бўлади.

— Узимда йўқ. Лекин бир одам бор. Ҳозир, гаплашиб қўрай-чи. — Шодиёр шундай дея телефонга қўл чўзди:

— Маҳмуд ёрдамларим керак эди. Яқин одамларимга озги-на "ҳалиги"дан керак эди. Ило-жини қилсанг, гаплашамиз.

Гўшақнинг нариги томони-дан келган овоз масаланинг ҳал

бўлишини билдирди. Шодиёр меҳмонларга қараркан, "Кута-миз" деб қўйди.

Буюртмага асосан Маҳмуд героинни таниши Акрамдан 30 минг сўмга олди. Сўнг ма-салани ўз ҳисобига ҳал қилди. Телефоннинг жиринглаши умидвор қўзларни жонланттир-ди. Жавобни эшитган Шоди-ёр уларга қараб:

— 40 минг сўм экан. Бакир, сен бориб олиб келасан, — сўнг Келдиёрга қўлди. — Ро-зимисан?

Бу дамда Келдиёрнинг кўзига пул кўринмас эди. Ба-кир пулни олиб, айтилган жойга кетди. У келгунча Шо-диёрнинг "меҳмон"и биттага қўпайди. "Наҳот" излаб келган Фарид ҳам Бакирнинг "муам-мо"ни ҳал қилиш учун кетга-нидан хурсанд эди.

Ўша кунини Шодиёрнинг уйи "ғиёҳвандлар оромгоҳи"га ай-ланди. Аммо, уларнинг қувон-чи узоққа чўзилмади. Кайфи тарқаб, уй-уйига тарқалаётган ошналар тезкор ИИБ холим-лари томонидан қўйилган "қопқон"га тушдилар. Уйдан топилган шприцлар ашёвий далил сифатида олинди.

Даромад илгинжида юрган шериклари эса ҳамон олди-на "ҳалиги"дан машғул эди. 2008 йил 13 октябр кунини Маҳмуд Акрамдан яна бир чек героин сотиб олади. Бироқ, Маҳмуд

нинг савдоси ҳам ИИБ хо-димлари томонидан бартафат этилди. Унинг уйи текшири-либ, далил сифатида топилган наркотик модда Маҳмудни қонун олдида бош эгишга мажбур этди.

Жиноятчиликнинг бир тури бўлган наркотики ин-соният бошига ўлим хавфини солмоқда. Ғиёҳвандликка бе-рилган инсонларнинг ҳаёти нураган девор каби тўқилиб, охири уларни ҳалокатга маҳ-кум этади. Лекин, бундай сат-бий оқибатларга олиб келув-чи "заҳри қотил"ни бида ту-риб, "тотиб" кўраётганлар қонун томонидан жазоланиш-лари тайин.

Жиноят содир этган бу кимсалар бугун сулнинг "қора куреи"сида бош эгиб, қил-мишларига яраша жазоларини олдилар. Уларнинг орасида муқаддам судланганлари ҳам бугун яна қонунда белгилан-ган жазони тортаятдилар. На-ҳотки, улар бундан афеус қилишмасе?

Инсон учун ҳаётнинг бери-лиши бу бир неъматдир. Фа-қат унинг қадрига етиб яшаш лозим!

Бурхон БУРХОНОВ,
Бухоро вилоят прокурори катта ёрдамчиси
Дилноза УРИНОВА,
ЎзДСИ журналистика бўлими талабаси



ҚИЛМИШИ

ларнинг пана ва чуқурлигини текшириб кўрди. Қайтишда ҳеч қаерда ишламайдиган, пул бўлса ёмон йўлдан ҳам қайтмайдиган қайноғаси Самин Холмирзаевга "сотка" сидан кўнғироқ қилди. Унга, "биттасини гумдон қилганлигини, жасадини йўқотиш кераклигини" очик айтди. Охирида эса:

— Уйга тезда кел, ҳақини оласан, — деб кўйди.

Шу куни ваҳший қотил М.Сирожидинов жасадни майда бўлақларга бўлиб, қопларга жойлади. Қайноғасидан дарак бўлавермагач, яна кўнғироқ қилди. Кеч тушганда С.Холмирзаев кириб келди. Мухиддин уни оғилхонага олиб кириб, қилган "иш"ни кўрсатди. С.Холмирзаев тахлаб қўйилган қонли қопларни кўргандаёқ тошдек қотиб қолди.

— Булар сенга, — деб уни

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар қўла-ми тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг биринчи қаторига ҳеч иккиланмай вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни ҳам киритиш мумкин. Айниқса, фарзандларимизнинг соғлом бўлишлари-ю етарли даражада билим олишлари учун яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, кўз қувнайди. Замоनावий услубда бунёд этилган ўқув масканлари бунга яққол мисол. Бир сўз билан айтганда, ҳукуматимиз томонидан вояга етмаганларга кўрсатилаётган эътибор таҳсинга лойиқ. Бироқ, афсусланарли жиҳати, ана шундай хайрли ишларга ажратилган маблағларга ҳам кўз олайтираётган кимсалар ҳали-ҳануз учраб турар экан.

2006 йилнинг куз ойларида пойтахтдаги айрим мактаб ва ўқув масканларини таъмирлаш бўйича тендер эълон қилинади. Табиийки, бу эълон қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчиларни ўзига жалб қилмай қолмас эди. Шу боис, тендерда қатнашиш истагини билдирувчилар бирин-кетин ҳужжатларини топишга бошлайдилар. Уларнинг орасида "Викор" номили масъулияти чекланган жамият ҳам бор эди. Кўп ўтмай натижа эълон қилинади ва омади келганларнинг орасида "Викор"нинг ҳам борлиги маълум бўлади. Шундай қилиб, Тошкент шаҳар тендер комиссиясининг тегишли баённомаси билан мактаблардан бирини капитал таъмирлаш иши мажкур МЧЖга ўкатилади.

27 ноябрь куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги "Ягона буюртмачи хизмати" инженеринг компанияси билан "Викор" МЧЖ ўртасида Шайхонтоҳур туманида жойлашган мактаблардан бирида 143 млн. 377 минг. 850 сўмлик капитал-таъмирлаш ишларини бажариш бўйича шартнома тузилади. Унга кўра, иш 2006 йилнинг декабрь ойида бошланиб, 2007 йилнинг 1 июлида

тутатилиши керак эди. Бироқ, шартноманинг шу бўлимида иш бошлаш куни буюртмачи томонидан биринчи аванс тулган кун деб белгилангани боис, таъмирлаш 2007 йил 9 февралдан кейин, яъни аванс келиб тушгандан сўнг бошланди. Гарчи таъмирлаш ишлари белгилангандек олиб борилад-а, айтилган муддатда тутатилмайдилар. Балки, буюртмачи пулни тўламагандир, дерсиз. Ундай эмас. Буюртмачи томонидан 2007 йилнинг февралдан 19 июнига қадар 136 млн. 209 минг сўм миқдоридаги пул маблағи бош пулратчи МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Шундай бўлса-да, таъмирлаш биттач, бажарилган ишлар бўйича далолатномалар тузилади ва охи-оқибат 141 млн. 377 минг 850 сўмлик иш бажарилди деган ҳудосага келинади. Аслида-чи? Асли эса, мактабда бажарилган ишлар назорат ўлчовидан ўтказилганда аниқланди. Маълум бўлишича, қурилиш материаллари, бажарилган ишлар ҳажми ва қурувчилар иш ҳақлари 6 млн. 390 минг 774 сўмга, умумий бажарилган ишлар ҳисоб-фактура

ЎМАРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

маълумотномасида кўрсатилган ишларга нисбатан 1 млн. 509 минг 973 сўмга, ҳамаси бўлиб эса, 7 млн. 900 минг 747 сўмга ошириб кўрсатилган экан.

Ҳа, таъмирлаш, қуриш эмас экан. Биринчи ишни "хамирдан қил суғурган"дек амалга ошириб, ҳаволанган МЧЖнинг раҳбари бўлмиш С.Ҳақимов (исм-фамилиялар ўзгартирилди), энди иккинчиси-га қўл уради. 2007 йилнинг 19 июнида бошқа бир мактаб билан таъмирлаш ҳақида шартнома тузилади. Бу сафарги ишнинг баҳоси 44 млн. 973 минг 850 сўм қилиб белгиланади ва бошланишига 33 млн. 481 минг 116 сўм МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Июль ойига келиб

эса, бажарилган ишлар далолатномасида таъмирлашнинг ҳажми ошириб кўрсатилди ва 21 млн. 889 минг 72 сўмлик иш бажарилди деб кўрсатилади. Эндиги навбат МЧЖнинг ҳисоб рақамидаги маблағни нақдлаштиришга келади ва С.Ҳақимов бунинг ҳам йўлини топади. У ҳусусий талбиркор ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар билан қурилиш маҳсулотлари сотиб олиш учун дея шартномалар тузади. Сўнгра МЧЖнинг ҳисоб рақамидаги 77 млн. 150 минг сўм пулга маҳсулотлар-ни сотиб олади-ю бозорларда нақд пулга соттиради. Сотувдан тушган пулларни эса тегишли тартибда инкассация қилишни "унутади".

Ниҳоят, "галвир сувдан кўтарилиди",



1 млн. 301 минг сўм, нафақа жамғармасига эса 910 минг сўм, жами 21 млн. 097 минг 300 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қасддан тўланмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судида солиқ раҳбарнинг қилмишлари кўриб чиқилди. Етказил-

яъни "Викор"нинг 2007 йилдаги тўққиз ойлик молия-ҳўжалик фаолияти юзасидан текширув ўтказилди. Текширувда аниқланди, МЧЖ раҳбарияти томонидан нафақат бажарилган ишларнинг қиймати қўшиб ёзилган ва ҳисоб рақамидаги пуллар нақдлаштирилган. 84 млн. 671 минг сўмлик бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича Утепа туман ДСИга ҳисоботлар топширилмаган. Тушумларнинг яширилиши оқибатида, қўшимча қиймат солигидан 16 млн. 342 минг 2 сўм, 130 млн. 096 минг 9 сўмлик қурилиш-монтаж ишларига тушган тушумларни яширганлиги учун йўл жамғармасига 1 млн. 951 минг 4 сўм, мактаб таълим жамғармасига

ган моддий зарарнинг тўдиқ қопланганлиги ва жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатта олиниб, судланувчига 2 (икки) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши, олийк иш ҳақидан 20 фоизи давлат фойдасига ундирилган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилди. Шунингдек, энг кам иш ҳақининг уч юз йигирма баравари миқдорига, яъни 5 млн. 961 минг 600 сўм жарима жазоси ҳам тайинланди.

Дармонжон САБИРОВА,
Шайхонтоҳур туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

надонига қўшнилари сигирини баҳона қилиб келган ва қўл телефонида кўнғироқ қилган. Бу ҳақда Р.Расулов шундай деди: "...2009 йил 2 март куни эрталаб соат 6 ларда кўчага чиқсам, Мухиддин Сирожидинов "Дамас" машинасида ўтиб кетаётган экан. Ёнида бир киши бор эди (У.Н.Расулов эди — муаллифлар изоҳи). Кейин масжидга бордим. Далам масжидга кириб, ундан сўнг мол бозорига боралган эди. У ерга кирмаган экан. Уйга келиб, онамдан даламнинг бозорга кетганлигини билдим. Шу вақтда Мухиддин ака қўл телефонимга кўнғироқ қилиб қолди. "Қўшнинг Воситини уйда-гиларга айтиб қўй, сигирини соғиб қўйишмасин, ҳозир харидор олиб бораман", деди. Мен унинг гапини қўшнимизникига кириб айтдим. Соат 8лардан ўтганда, Мухиддин ака келиб, менга, "Қўшнингга айтиб қўй, сигирларини соғиб олаверишин, харидор бошқа сигир олди", — деб келди. Боямизга бориб, ишламоқчи бўлиб турганимда, даламнинг бир ўртоғи телефон қилиб қолди. Даламдан сўраган эди, мол бозорига кетган дедим. Ўртоғи даламнинг бутун умуман мол бозорига бормаганини, кўрмаганини айтди. Даламнинг қўл телефонида бир неча марта кўнғироқ қилиб кўрган эдим, доимо ўчиқ кўрсатди...

Далам шу куни келмади. Эртаси куни қидирдик, суриштирдик, изи чиқмади. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, бир милиция ходими келиб, Ўзбекистон тумани ҳудудидан бир мурда бўлақлари топилганини айтди. Бир оёғидаги эски чандиқ ўрнидан жасад бўлаги даламники эканлигини билиб олдик... Мухиддин ака шунчаликка боришини билмаган эдик..."

Ваҳшиёна қотиллиқни содир этган М.Сирожидинов ва унга

бу ишда кўмаклашган қайноғаси С.Холмирзаевлар жуда қисқа вақт ичида қўлга олинди. Қилмишларини тан олган бу кимсаларга суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жазо тайинланди. Жиноят қуроли деб топилган "Дамас" машинаси давлат фойдасига мусодара қилинди...

Наҳотки, пул инсонни шунчалик ақдан оздирса, тубанлаштирмаса, қўлини қонга ботирмаса?! Тўғри, қўлга тушган пул ҳеч қимми оғиртирмайди, лекин ҳамма гап шу пулнинг қандай йўл билан топилганида. Таъбир жоиз бўлса, далолатлик ортидан кун қуришга одатланиб қолган М.Сирожидинов ҳам инсофу диёнатдан чекинди. Одам қиёфасини йўқотди, йиртқич маҳлукка айланди... Оқибатда оғир жазога мустаҳқ бўлди. Зора, энди у темир панжара ортида пул инсон ҳаёти олдида арзимас бир қоғоз эканлигини тушуниб етса, наломат чекса.

Унга шерик бўлиб қолган қайноғаси С.Холмирзаев судда кўз ёши тўкиб, кечирим сўради. Агар у арзимас пул эвазига розилик бермаганида, ақсинча поччасининг қилмишидан тегишли органларни ҳабардор этганида, юзи шувут бўлмас эди. Қолаверса, бекор юрмай, бирон ишнинг этагидан тутганида ҳам, поччаси тортган қабиҳ йўлга йўламаслиги аниқ эди. Аслида уни бекорчилик бадном этди.

Учқўприк туманида содир этилган бу ваҳшиёна қотиллик соғлом фикрли ҳар қандай одамнинг кўнглини огрилади, кўп мушоҳадаларга ундайди...

Абдуҳамид ИМОМОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
терговчиси
Холикназар ЖҲАБОВ,
журналист

Юртимиз ўтмишдан ўзининг ер ости қазилмалари ва минерал ресурсларга бойлиги билан ўзига хос ўрин тутиб келган. Худудда фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ўрганишининг илмий узоқ асрларга бориб тақалади. Ушбу жараён 19 асрда янада жадаллашиб, Ўрта Осиё ҳудудини режалли равишда ўрганиш ва геологик тадқиқотлар олиб борилишига туртки берди. Бунинг натижасида юртимизда кўплаб фойдали қазилмалар ва минерал ресурслар топилишига замин яратилди.

Мустақиллик ҳар жаҳда бўлгани каби бу соҳа ривожини ҳам янги босқичга кўтариш имконини берди. Албатта, бунда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат Кумитасининг ўз ўрни бор. Лекин бу ўринда эришилган ютуқлар ҳусусида эмас, балки бу ташкилот тизимига киритилган "Геолтехтаъминот" давлат корхонасида содир бўлган қишлоқчиликлар, унинг раҳбари Азат Арифбаевнинг жиний қилмишлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

А.Арифбаев 2007 йил 11 майдан "Геолтехтаъминот" давлат корхонаси раҳбари лавозимига тайинланган. "Семизликни қўй кўтарди" деган мақол бор халқимизда. Айнан семизлик А.Арифбаевга оғирлик қилди. У корхона истиқболи бир

ул топишди. Жиний гуруҳ ҳужалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномаларнинг қиймати 100 минг АҚШ долларидан ошмайдиган бир неча шартномаларга тақсимлаб расмийлаштириш йўли билан ўзларининг жиний қилмишларини ниқоблаб келишди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 январдаги "Геология қидирув ишларини ташкил қилишнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-568-сонли

йил 15 июлда 3.Аҳмедов раҳбарлигидаги "Sapfir olmoslari" МЧЖ ҳисоб рақамига ушбу маблағни ўтказди. А.Арифбаев ва бошқалар жиний ҳаракатларини давом эттиришиб, "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖ ҳамда "Sapfir olmoslari" МЧЖларга ўтказилган жами 156,4 млн. сўм пул маблағларини бошқа ҳужалик юритувчи субъектларга ўтказиб, улардан турли юқори ликвидли тез сотилувчан товарларни сотиб олиш, бозорда нақд пулга сотиш йўли билан нақдлаштиришди. Шу орқали давлатнинг 156,4 млн. сўм пул маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб юборилди.

билан 9,6 млн. сўм, "Antimorbus Medikal Servis" МЧЖ билан тузилган солиштирма далолатномаси билан 19,2 млн. сўм, жами 28,8 млн. сўмдан воз кечилган ва натижада "Геолтехтаъминот" ДК томонидан "Sapfir olmoslari" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилган маблағдан 150 млн. сўм маблағ қолган. Ўз навбатида, "Sapfir olmoslari" МЧЖнинг ҳисоб рақамига қолган 150 млн. сўм пул маблағлари "Асакатекстиль" ОАЖ ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектларга ўтказиб берилиб, улардан турли юқори ликвидли тез сотилувчан товарлар олинган ва шу йўл билан пул маблағлари нақдлаштирилган. Жиний режага кўра нақд

таъминот" ДК ва "Baht Orzu Qurilish" МЧЖлар ўртасида 20,5 млн. сўмлик усуна ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш ҳақида шартнома тузилади. Шу аснода "Baht Orzu Qurilish" МЧЖ ҳисоб рақамига 198-сонли тўлов топириқномаси билан 20,5 млн. сўм пул маблағлари туширилади. Жамият ўз навбатида ушбу пул маблағларини бошқа ҳужалик юритувчи субъектларга ўтказди. Сўнгра, ҳар доимгидек жиний қилмишларини яшириш ва кейинчалик фойда этилишининг олдини олиш мақсадида сохта сўт-фактура нақдланган тасдиқланган расмийлаштириб, талон-тарож қилинган маблағнинг 16,4 млн. сўмига аниқланмаган манбалардан юқоридаги махсуслотларни сотиб олишиб, уларни "Геолтехтаъминот" ДК балансида қimmat нархларда 20,5 млн. сўмга қириқ қўйишди.

Жиний гуруҳ бир неча МЧЖлар билан юқоридаги каби эпизодларда "ҳамкорликда" ишлашди. Ниҳоят, жиний гуруҳ аънавий усулдан воз кечди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Агар эътибор берган бўлсангиз, фильмларда майда ролларни ижро этиб юрган актёр катта рол учун бор кучини сарфлаб ҳаракат қилади. А.Арифбаев ҳам худди шундай "катта роль" дарига мушало бўлган эди. Энди улар янада каттароқ фойда топишни кузлашди. Жиний қилмишга кўра "Ahor Golden Oil" МЧЖ раҳбари А.Далажонов, Ўзбе-



БЮДЖЕТНИ "ТУЯ" ҚИЛГАНЛАР

ёқда қолиб, чўнтак истиқболи ҳақида қайғура бошлади. Мазсўл мансабдор шахс бўлгани ҳолда жиний фаолият билан шуғулланишга киришди. У аввало атрофига ўзи каби нафис бузуқ шахсларни тўплалди. Сўнг жиният режасини тузишга бел бошлади.

А.Арифбаев, энг аввало, жиний гуруҳнинг ҳуфёна иқтисодий фаолиятини йўлга қўйиб, ноқонуний даромад манбалари ва ҳажмларини оширишни режалаштирди. Бунинг учун 3.Алимовани бош ҳисобчи, О.Закиров ва Х.Асановларни корхона шартномалар бўлими бошлиғи ва таъминотчи, М.Мирдадаевни биринчи даражали иқтисодчи, Н.Ахзамов, А.Муҳиддинов, Л.Расулов, А.Хужайров, Б.Шадиев ва Р.Холматовларни эса етакчи муҳандис, С.Инатов ва Ш.Нурматовларни 1- ва 2-сонли омбор мудир лавозимларига тайинлайди. Уларнинг зиммасига жиний даромадларнинг янги манбаларини яратиш, ўтказилган пул маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланувчи ҳужалик юритувчи субъектларни топиб, жиний шерикчиликка тортиш юклатилган эди. Жиниятга мойиллиги юқори бўлган бош ҳисобчи 3.Алимов, шартномалар бўлими бошқалари Х.Асанов ва О.Закировларга жиний гуруҳнинг фаолият йўналишларини кенгайтириш, ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилган пул маблағларини шахсий даромадларига айлантириш учун нақдлаштириш вазифаси юклатилди. Гуруҳнинг қолган аъзолари эса ноқонуний тендер савдоларини ўтказиб, жиниятларнинг келгусида фойда бўлмаслигини учун талон-тарож қилинган маблағларнинг қириқ-чиқим ҳужжатларини сохталаштириш ишлари билан шуғулланишлари талаб этилар эди.

А.Арифбаев ва унинг жиний шериклари фаолият йўналишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарорининг 5-бандига кўра, 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган микдордан ортиқ битта шартнома бўйича тендер савдоларини ўтказиш шартлигини билишса-да, қонунга чап беришни маъ-

қарорининг 8-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давгеолкумга олиб кириладиган усуна ва автотранспорт воситалари ҳамда материал ва эҳтиёт қисмлар бўйича 2011 йил 1 январь кунига қадар божхона тўловларидан озод этилган эди. Аммо, А.Арифбаев жиний гуруҳ аъзолари билан тил бириктирган ҳолда, корхонага товар моддий қimmat-ликларини харид қилиш учун воситачи - ҳужалик юритувчи субъектлар билан молиявий алоқаларни амалга ошириб, ўз навбатида уларга ўтказиб берилган бюджет маблағларини нақдлаштиришга эришган. Нақдлаштирилган пулларни қорозда ёпиш мақсадида махсуслотлар ҳақиқий баҳоасидан қimmat нархларда харид қилишди. Ушбу усул орқали ўзларининг жиний даромадларининг ҳажмини шакллантиришда фойдаланишган.

Чунюни, жиний гуруҳ "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖ раҳбари А.Нажмидинов, "Sapfir olmoslari" МЧЖ раҳбари 3.Аҳмедов ва бошқалар билан бюджет маблағларини нақдлаштириш ҳақида жиний тил бириктиради. Бунга кўра "Fidoiy Hamkor Rivoji", "Antimorbus Medikal Servis", "Sadoqat Niholi", "Delta Plus Bizes" ва бошқа МЧЖлар ўртасида сўнгий рақобат юзага келтирилади. Ўз навбатида "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖ фойиб топиланлиги ҳақидаги сохталаштирилган рақобат варақчаларини имзолашган. Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талабларига эришди, юқоридаги режа асосида ишчи давом этиради. "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖ раҳбари А.Нажмидинов билан умумий қиймати 156.468.600 сўмни (120.193 АҚШ долларига эквивалентлигида) ташкил этган турли махсус махсуслотларни сотиб олиш ҳақида шартномалар имзолашди. Шу асосда тўлов топириқномалари билан 2008 йил май-июнь ойларида жами 146,8 млн. сўм пул "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Шунингдек, "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖнинг "Геолтехтаъминот" ДКда бўлган 9,6 млн. сўм ҳақдорлигини ҳақдан воз кечиш ва қарзни ўтказиш ҳақида имзолашган 9/7-сонли шартномага асосан 2008

Сўнгра жиний қилмишларини яшириш ва унга қонуний тус бериш мақсадида гўёки шартномада кўрсатилган товар-моддий бойликларини "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖдан етакчи муҳандис А.Муҳиддинов, Л.Расулов, С.Инатов ва Х.Асановлар қабул қилиб олганлиги ҳақида тегишли рақамлар билан сохта сўт-фактура нақдланган расмийлаштирилган. Талон-тарож қилинган маблағнинг 132 млн. 998 минг 310 сўмга эса сифат сертификати, асосли ҳужжатлари бўлмаган бургулаш нефтаси, коронкалар, турли хил қувурлар ҳамда бошқа эҳтиёт қисмларини сотиб олишди. Уларни "Геолтехтаъминот" ДК балансида қimmat нархларда 156,4 млн. сўмга қириқ қўйиб расмийлаштиришди.

А.Арифбаев бошчилигидаги жиний гуруҳ ўз ҳаракатларини давом эттириб, эски ва ишонарли усулга таянган. Яъни сохта тендер ўтказиб, давлат маблағларини у ёқдан-бу ёққа ўтказиб, охири ўз чўнтақларига келиб тушишини таъминлаган. Бунда ҳам юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талабларига эришди, тендер савдоларини бўйин товлашди. Шу тариқа "Геолтехтаъминот" ДК ва "Sapfir olmoslari" МЧЖлар ўртасида 2008 йил 24 июлда бургулаш қувурларини сотиб олиш ҳақида ҳар бири 119,9 млн. сўмдан, жами 239,9 млн. сўмлик (182.552 АҚШ долларига эквивалентлигида) шартномалар тузилади. Улар билан бирга қарздан воз кечиш ва қарзни ўтказиш "операцияси"ни амалга оширишди. "Геолтехтаъминот" ДК, "Sapfir olmoslari" МЧЖ ва "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖлар ўртасида ҳақдан воз кечиш ва қарзни ўтказиш ҳақида ҳамда "Геолтехтаъминот" ДК, "Sapfir olmoslari" МЧЖ ва "Antimorbus Medikal Servis" МЧЖлар ўрталарида ҳақдан воз кечиш ва қарзни ўтказиш ҳақида шартномалар имзолашди. Қайд этилган шартномаларга асосан "Геолтехтаъминот" ДК томонидан олинган "Sapfir olmoslari" МЧЖ ҳисоб рақамига 2008 йил 15 июлда жами 178,8 млн. сўм пул маблағлари ўтказиб берилган. "Геолтехтаъминот" ДК ва "Fidoiy Hamkor Rivoji" МЧЖлар ўртасида тузилган ўзаро ҳисоб-ки-тоб солиштирма далолатномаси

пуллар А.Арифбаев, А.Муҳиддинов ва бошқалар ўртасида ўзаро тақсимлаб, бюджетнинг 150 млн. сўмлик маблағлари ўзлаштириб юборилди.

Гуруҳ бу билан ҳам қаноат қилиб ўтирмасди. Жиният йўли билан бойлик орттириш уларга мойил эди қилади. Бу сафар "Aleks Viktoriya Plus" МЧЖ раҳбари У.Турсунов билан жиний тил бириктиришди. Келишилганидек, сўнгий рақобатда "Aleks Viktoriya Plus" МЧЖ фойиб топиланлиги ҳақидаги сохталаштирилган рақобат варақчаларини О.Закиров, Н.Ахзамов ва М.Мирдадаевлар тегишли саналар билан имзолашди. Шу билан "Геолтехтаъминот" ДК раҳбари А.Арифбаев ва "Aleks Viktoriya Plus" МЧЖ раҳбари У.Турсуновлар ўртасида турли махсус товарларни сотиб олиш ҳақида шартномалар имзолашди. Шу асосида 14,1 млн. сўм пул маблағлари "Aleks Viktoriya Plus" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказди. Бу гал эса бюджетнинг 14,1 млн. сўм пул маблағлари ўзлаштирилди. Хар доимгидек, жиний қилмишларини яшириш ва кейинчалик фойда этилишининг олдини олиш мақсадида юқоридаги каби гўёки шартномада кўрсатилган махсуслотларни "Aleks Viktoriya Plus" МЧЖдан Х.Асанов қабул қилиб олганлиги ҳақида сохта сўт-фактура нақдланган тасдиқланган расмийлаштирилган, 11,3 млн. сўмга аниқланмаган манбалардан сифат сертификати, тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган автомашина аккумуляторлари, автошиналар, турли хил ҳужалик моллари ва бошқа махсуслотлар сотиб олишди. Ўз навбатида бу махсуслотлар "Геолтехтаъминот" ДК балансида қimmat нархларда 14,1 млн. сўмга қириқ қўйиб, давлат бюджетига жуда кўп микдорда зарар етказилди.

Ўрганиган кўнгил ўртанса қўймас деганлиридек, А.Арифбаев бошчилигидаги жиний гуруҳга ўз юришларини тўхтатиш қўй сузиб турган санамга юзини тескарки қилишдай гап эди. Бу гал улар "Baht Orzu Qurilish" МЧЖ раҳбари Х.Муҳамеджановни топишди. Бу сафар ҳам юқоридагидек МЧЖлар ўртасида сўнгий рақобат юзага келтирилади. "Baht Orzu Qurilish" МЧЖ фойиб топиланлиги ҳақидаги сохталаштирилган рақобат варақчалари билан имзолашди. Сўнг "Геолтех-

кистон Алоқа ва ахборотлаштириш Агентлигига қарашли Радиоалоқа, радиозвонитириш ва телевидение Маркази давлат унитар корхонасига қарашли 2-дона "ТТ-СМ" русумли занжирли тортиқчиларни "Kons Pribe" МЧЖ раҳбари С.Нигматовга ўз нархида, яъни 7 млн. ва 8,3 млн. сўмга баҳолашган ҳолда сотиб олади. Сўнг ушбу занжирли тортиқчиларни "Ahor Golden Oil" МЧЖ раҳбари А.Далажонов капитал таъмирлашдан чиқарилганлиги ҳақидаги сохта далолатномани асос сифатида қиритиб, С.Нигматовнинг ўзига қimmat нархларда баҳолашди. Унда 8112120009 корпусли тортиқчиларни 79,8 млн. сўмга, 821111017 корпусли тортиқчиларни эса 82,7 млн. сўмга, жами 162,5 млн. сўмга баҳолашган ҳолда тайёрланган сохта ҳужжатларни "Геолтехтаъминот" ДК раҳбари А.Арифбаевга тақдим этишди.

Ўз навбатида А.Арифбаев ва А.Далажоновлар тузилган жиний режани амалга ошириш мақсадида 2-дона "ТТ-СМ" русумли занжирли тортиқчиларнинг бирини 79,8 млн. сўмга, иккинчисини 82,7 млн. сўмга сотиб олиш бўйича шартномалар тузилади. Ҳақиқий баҳоаси 20,9 млн. сўм бўлган 2 та тортиқчилар 162,5 млн. сўмга, яъни 141,5 млн. сўм қimmat нархда сохта сўт-фактура нақдланган асосида қабул қилиб олишди.

Шунингдек, улар "Геолтехтаъминот" ДК ва "Story Servis-Opt" МЧЖ ўртасида 2007 йил 28 ноябрда 112 млн. сўмлик ВМ-6 ва ВОЭ-5 русумли вентиляторларни сотиб олиш ҳақида шартнома тузди. Бунда "учарлар" вентиляторларини ўз нархида 69,7 млн. сўмга ошириб бюджет маблағларини чўнтақларига туширади.

Ниҳоят А.Арифбаев бошчилигидаги жиний гуруҳ юқоридаги каби жиний ҳаракатлари натижасида жами 2 млрд. 363 млн. 391 минг сўм давлатга зарар келтирди. Қилмиш қидиримчи дейдилар. Суд жиний гуруҳнинг юқоридаги қилмишларига яраша ҳақ тайинлади. Нафси бузуқликнинг оқибати ҳеч қачон ахшилик билан тугамаслиги яна бир қарра исботланди.

Джаҳонгир МИРСАФЕВ,
Бощ прокуратор бошқармаси
АМББ терговчиси
Ўткирган ДЕХҚОНОВ,
"Huquq" мухбири

(Давоми. Бошлангич ўтган сонда)
— Йигитчанинг ҳам бармоқ изларини олинг, — деди Нуриддинов. — Уни отелда олиб кетамиз. Энди уйимга рухсат беришса керак, деб турган йигитча эсанкираб қолди.

— Нега? Мени қаймасизларми?
— деди кўркүвлан ранги бўздек оқариб.

— Айбиги бўлса, қамаласан!

Нуриддинов баъзан ўзининг жуذا раҳмсиз бўлиб кетишини сезса-да, парво қилмайдди. Нима қилсин. Иш шунақа.

Йигитчани сўроқ қилиш анча мушкул келди. Афтидан, Тоҳир Нуриддиновнинг боғи гапи уни қаттиқ чўчиб юборганди.

— Менга қара, Азамат, — деди Нуриддинов иложи борида босиқлик билан. — Шовилмасдан, кўркүвлан, фақат ростини гапир. Билсанг керак, ёлгон кўрсатма берган кишига ҳам жазо бор. Кўркүм, ҳеч ким сени ҳе йўқ, бе йўқ қамоққа тикмайдди. Ма, олдин мана бунни ичиб ол.

Нуриддинов графиндан стаканга сув қуйиб, йигитчага узатди. Муздеккина сув унга анча дабда бағишлагандек бўлди.

— Энди бир бошидан гапир. Боғи гапинг бўйича қариндошинг Хосият Оқбосева ижарага чиқмасдан илгари амманникида яшаган, шундайми?

— Ҳа.
— Ижарада қачон ва қайси қислодан яшай бошлаган?

— Числоси аниқ эсимда йўқ. Янги йил арафасида эди. Ўша кунлари қалин қор ёғди. Ётоқхонамиздаги иситиш батареялари ишдан чиқиб, хоналаримиз совуб кетди. Ҳамхоналарим қариндош-уруғларим, ошона-оғайнларимникига қишни ўтказиш учун кетиб қолишди. Мен ҳам амманникига бормоқчи бўлдим. Йўл-йўлакай бозорга кириб у-бу нарса харид қилдим. Борсам, амман билан Хосият жанжаллашган экан. Сабабини сўраганим, икковим айтмади. Фақат амман: "Қадамнинг библи босмасанг, бу уйдан изингни ўчираман", — деди. Хосият ҳам нарсаларини йиғиштира бошлади. Шаштидан қайтармоқчи бўлдим. Аммо бақириб берди.

— Сен аралашма! Кўчада қолсам ҳам шу ялмоғизникида турмайман! — деди йиғлаб.

— Турмасанг — турма, катта кўча! — деди амман бақириб. Хосиятнинг ортидан югурдим. Аммо у кўчага чиқиб, дуч келган таксига ўтириб-ю, кетиб қолди. Иложсиз орта қайтдим. Қанча суриштирмай, амман барибир жанжал сабабини айтмади. Фақат, "бошим балага қолмаса гўрайдим" дея йиғлади.

— Амманг бир ўзи яшайдими?
— Йўқ, иккита боласи билан.
— Эри-чи?
— Ажрашган.
— Қачон?
— Анча йил олдин. Ўн йилча бўлди.

— Эри ҳозир қасрда яшайди.
— Сурхондарёда.
— Амманг бошқа турмуш қилмаганими?

Йигитча бир муддат иккиланиб қолди. Негадир Нуриддиновдан кўзларини олиб қочди.

— Йўқ, — деди сўнг ерга қараб. — Бошқа турмуш қилмаган.

Йигитчанинг иккиланиши Нуриддиновнинг эътиборидан четда қолмади. Аммо уни чўчиб юбормаслик учун бошқа саволга кўчди:

— Шундан сўнг Хосиятни бошқа кўрмадингми?
— Кўрдим, — деди йигитча жонлидан. — Эртаси кунни ўқиб жойига боргандим. Хосият биринчи дарага келмади. Кутиб ўтирдим. Келгач "амманникига қайт" дедим. Аммо у кўлмади. "Қаварига топдим. Битта дугонани билан тураман. Ўлсам ҳам ўша уйга бормайман",

— деди
— Охириги марта кўрганинг шуми?

— Йўқ, янги йилда қишлоққа бирга кетамизми, деб олдинга боргандим. Кетмайман, деди. Фақат мендан ёзлик кийимларини уйига бериб юбормоқчилигини айтди. Қаварига сичқон бор экан. Кийимларимни еб қўяпти, деди. Қаварисига бирга бордик.

Аммо дугонаси кўринмади. Сўраганим, бир қариндошиникига кетган, кечроқ келади, деди. Лекин хонада Хосиятнинг буюмларидан бошқа ҳеч қандай бегона буюм йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Сўроқлайверсам урушиб бермасин, деб индамадим. Янги йилдан қайтгач, амманникида яшай бошладим. Сессиялар бошланди. Иштироклар билан бўлиб Хосиятдан хабар ололмадим. Кейин амман ҳам изин бермади. Яқинларининг қадрини билсин, борма, деди.

— Хосиятдан ижарачининг кимлигини сўрамаганидинг?

— Сўраганим. Битта ўрис кампир. Бошқа туманда яшайди. Дугонаним топган, деганди.

— Унинг яхши кўрган ёки юрлаган йигити бормиди?

— Йўқиди шекилли.

Сирли Қотиллик

— Шекиллими, аниқми?

— Тўғриси, анигини билмайман. Аммо бир марта китоби орасида қандайдир йигитнинг расми борлигини кўргандай бўлувдим.

— Ўша расмини кўрсанг, ҳозир таниганими?

— Йўқ, Таниёلمасам керак. Ўлиб бормайманми...

— Амманнинг исм-фамилияси Норбосева.

— Нима иш қилади?

— Бозорда картошка-пиёз сотади.

— Қайси бозорда?

— Тумандаги деҳқон бозориди.

Нуриддинов йигитча билан савол-жавобни ахуллағач, уни шаҳардан ҳеч жойга чиқиб кетмаслик ҳақида огоҳлантириб, уйига рухсат берди. Сўнг Мирзақулловни чақирди.

— Тоҳир Салимович, менимча, йигитчани гумондор тариқасида даҳбоса олишимиз керак эди, — деди у хонага киргач.

— Нега?

— Қизни унинг ўзи тинчитган бўлса-чи?

— Ҳўш, тахминларингизни айтингчи?

— Айтишича, у қизнинг олдида тез-тез бориб турган. Шундайми?

— Шундай ҳам дейлик, кейинчи?

— Қиз ижарада ёлғиз ўзи яшаган. Балки йигитчани шайтон йўлдан уриб...

— Ҳўп, ҳўп, кейинчи?

— Кейин қилиб қўйган ишидан ваҳимага тушиб, уни тинчитгану устидан қўллаб, бир-икки ой ҳеч нарса кўрмагандек юрaverган. Кейин қилиши барибир эртаси-кеч фош бўлишдан қўриқиб, шу томошани ўйлаб топган.

— Сиз жуда қўп ўйлапсиз, — деди Нуриддинов унинг сўзларини диққат билан тинглагач. — Менимча, ундай эмас. Биринчидан, йигитча қизни зўрлаган тақдирда ҳам уни ўлдиршга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки улар яқин қариндош. Қариндошлар бундай ҳолатларда ўзаро келишиб кетавердилар. Агар

ўлдирган бўлса ҳам ўзининг бошини ўзи сиртмоққа тикиб "Бўламнинг ўлигини қаваридан топдим", деб органга хабар бериши мантқиқсизлик.

— Ахир шундай воқеалар ҳам бўлади-ку, Тоҳир Салимович?!

— Бўлади. Лекин сиз йигитчани пихини ёрган жиноятчилардан, деб тасаввур қилманг-да. Тўғри тахминларингизни бутунлай йўққа чиқармоқчи эмасман. Гапингизда жон бор. Қиз айнан ана шундай яқин муносабат қурбони бўлган. Лекин йигитча қотил эмас. Мен қизни ҳеч қачон зўрлаган деб ҳисобламайман. Нега? Аҳамият беринг 18-19 ёшли қизнинг нега

чиқинг.

Нуриддиновнинг ўй-хаёллари тумандек тарқаб кетди. Бир зумда олдингидек ишчан қиёфага кириб, хулосаларни диққат билан ўқий бошлади. Унда марҳуманинг ёши, бўйи, қон гуруҳи ва ўлимга сабаб бўлган ҳолатлар батафсил қайд этилганди.

...Марҳуманинг аввал бўғиб, кейин бўйин қисмига қаттиқ, тўмтоқ жисм билан урилиши натижасида бўйин томилари узилган ва тил ости суяклари майдаланиб кетган.

"Буниси менга аён", — деди Нуриддинов кейинги хулосаларга кўз югуртираркан. Сўнг бирдан



юзи ёришиб кетди. Экспертиза хулосаларининг охириги варағида "Марҳуманинг уч ойлик ҳомилиси бўлган", деган жумлалар бор эди. Маана, жиноятчини фош этадиган яна бир ҳолат. Бу қотилнинг оёғига тўр бўлиб тушиши аниқ. Нуриддиновнинг назарида қалаванинг учу қуришиб қолгандек эди. У зудлик билан Мирзақулловга қўнғирок қилди. Аммо терговчи жойида йўқ экан. Кечаги топшириқ бўйича кетган.

Нуриддинов марҳуманинг семира бошлаган делосига экспертиза хулосаларини ҳам тиркаб қўйди. Бунгача тезкор тергов гуруҳи ҳодимлари қизнинг ҳолисини оёғини ерга теккизмай прокуратурага олиб келишди. Маана ўша аёл, 35-40 ёшлардаги тўладан келган, қўришнидан солдакор, аммо анча-мунча шаҳар ҳадисини олган хотин. Жула кўрққан шекилли, ранги сурилдек оқариб кетган. Титраётган бармоқларини ҳалдеб кестюми чўнтағига тикишга ҳаракат қиларди.

— Ўтиринг, — деди Нуриддинов унга стулни кўрсатиб. — Сиз Норбосева Мавлудасиз, шундайми?

— Ҳа.

— Сизни нима мақсадда қақиртирилганингизни фаҳмлаётган бўлсангиз керак?!

Аёл йиғлаб юборди.

— Шўринг қўрғур жияним Хосиятнинг ўлими бўйича-да, — деди сўнг ҳиқиллаб.

Нуриддинов аёлнинг бироз ўзига келишини кутди. Кечаги савол-жавоблар яна бир бошидан қайтарилди. Аммо аёл негадир Хосият билан жанжаллашиб қолганлигини яширди.

— Жиянингиз нега бирдан сизникида туришни истайди қолди? — деди Нуриддинов ўсоққиллаб.

— Истамади эмас, ўқиб жойига ўзоқлик қилди. "Хола, дарсларга кечикиб қоляман. Дугонам яқинроқ қаварига чиқайлик, деяпти", деганди. Аввалига рози бўлмадим. Ўқитувчилардан гап эшитялман, деявергач, иложсиз рози бўлдим.

— Қавариса ўқиб жойига яқин эканми?

— Билмасам, яқиндирда.

— Нега қаварисини бориб

кўрмадингиз? Ахир жиянингиз-ку?

— Вақт бўлмаган. Буёғи тирик-чилиқ, ҳар кун бозорга чиқаман.

— Ўша кунлари умуман бозорга чиқмагандисиз-ку?

Аёл қалқиб кетди.

"Уф, қасрдан биларкина бу ер ютурлар", деди ичига қарганиб. Аммо ташида бошқача сўз деди.

— Ҳа-я, ўша кунлари чиқмаганман. Қалин қор ёққанди. Кейинроқ бориб кўрарман, деб шу билан вақт бўлмаган.

— Нега ёлгон гапирасиз?! — деди Нуриддинов кескинлик билан.

— Жиянингиз билан урушиб қолиб, уни уйдан ҳайлаб юборгансиз. Қаварисига бориб қўриш ҳаёлингизга ҳам келмаган!

Аёл довлариб қолди. Аммо "ўламан саттор, жияним билан жанжаллашмаганман", деб оёқ тираб туриб олди. Бу Нуриддиновни баттар қизиқтириб қўйди. Аёл нега бунни жон-жаҳди билан яширишга ҳаракат қилаяпти? Бундан унга нима наф? Ҳа, жанжаллашиб қолувдим, шунга жаҳл қилиб уйдан чиқиб кетди, деса олам гулистон-ку?!

Ким уни айблапти? Йўқ, бу ерда бир гап бор! Нега? Ўртада жиянидан ҳам азирок кимса бормикан ё?!

— На илож, эрингизни ҳам чақиртирмасак бўлмайди, шекилли, — деди Нуриддинов аёлни тилидан илтириш учун.

— Қайси эринми? — аёл "шаҳар кўрган" бўлсада, барибир солдалигига борди. Шу сўз оғиздан чиқиши ҳамоно тилидан илтиришнинг ўзи ҳам билди, лаб тишлаб қолди. Аммо энди кеч эди.

— Нечта эрингиз бор? — деди терговчи унинг кўзларига қаттиқ тикилиб. Аёл тамоман ўзини йўқотиб қўйди.

— Эрим йўқ, — деди довлариб.

— Ия, ҳозир қайси эрим деяётганингиз, энди эса эрим йўқ дейасиз. Бунни қандай тушунасак бўлади ўзи?

— Мен, ҳалиги, айтмоқчийдимки, эрим билан ажрашганман.

— Ҳўп, ўша ажрашган эрингиз нечта? Биттами ахир? Ё яна бошқаси борми?

Аёлнинг ранги оқариб кетди.

— Йўғ-э, — деди қаловаланиб. — Ўша битта ажрашган эрим борда. Бошқаси йўқ.

Нуриддинов истеҳзоли жилмайиб қўйди. "Бунни ҳали аниқлаймиз", — деди ичиди. Сўнг уни ҳам шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақида огоҳлантириб, қақирув қозғоғига қўл қўйди. Аёл кетгач, орадан кўп фурсат ўтмай Мирзақуллов келди.

Қўришнидан унинг ҳам иши ўнгидан келмаганди.

— Кампирни сўроқ қилишдан ҳеч қандай наф чиқмади, Тоҳир Салимович, — деди ҳафсаласи пир бўлиб.

— Нега?

— Ўзи психими, нима бало. Нуқул, "ман ҳеч қандай йигитни ҳам, қизни ҳам эслолмайман. Ижара пулининг уч ойлигини бирдан беришган. Шундай экан, у уйга бориб нима қиламан?" деб бобиллаб берди.

— Қуредошлари-чи?

— Яқин дугонаси бир йигит билан кўрган экан. Аммо уюқдан. Йигит тескари қараб турганлиги учун юзини яхши кўролмаган. Лекин бўйини Хосиятдан қалтарок эди, деди.

— Қўни-қўшнилари-чи, уларни ҳам сўроқ қилдингизми?

— Ҳа, бир қўшни аёл йигитни жуذا яхши эслаб қолган экан.

— Ҳўш, ҳўш.

— Ўша "Хосият ўлдирилган кун, деб тахмин қилинаётган кунда у қизниқига келган. Соят тахминан беш-олтилар атрофида бўлган. Аммо кейин кетган ёки кетмаганлигини билмайди. Шу-шу Хосиятнинг ҳам, ўша йигитни ҳам бошқа кўрмаган.

(Давоми келгуси сонда)

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ
УСУЛИ

XXРда коррупцияга қарши курашни қўллайдиган мақсадда яқин орада электрон почталар мониторингини ва телефондаги суҳбатларни тинглаб бориш қўнулаштирилса керак. Бу ҳақда ХХР Олий ҳалқ прокуратураси маълумотларига асосланган ҳолда "Чайна дейле" газетаси хабар берди. "Процессуал қўнулчилик ислоҳ қилингандан кейин, коррупцияга қарши кураш чора-тадбирлари сирасида телефондаги суҳбатларни тинглаб бориш ва мониторинг қилиш ҳам қўйилса керак", деди Хитой бош прокурори Чжу Сюэиннинг ўринбосари. У Хитой Халқ республикасида молиявий жиноятчиликка қарши кураш мақсадларида телефондаги суҳбатларни тинглаб бориш йўли ҳам қўйилганлигини таъкидлади, аммо бундай чоралардан фойдаланиш миллий қўнулчиликда "ман ҳам этилмаган, руҳсат ҳам этилмаган" экан. Шунга боғлиқ равишда ҳукумат органлари молиявий жиноятларни тергов қилиш пайтида телефондаги суҳбатларни тинглаб бориш, рост ва ёлгон кўрсатмаларни аниқловчи детекторлардан ҳамда гипноздан фойдаланиш ва электрон почталарни текшириб туришни қўнулаштириш мақсадлидир.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ТУН
ОҒУШИДА

Душанба ва сешанба кунлари 20 соат давомида Рио-де-Жанейронинг жанубидаги Ипанема округи, океан соҳили ва унга ёндаш бир неча районлар электр энергияси тизимидан ўчириб қўйилган эди. Ҳозирги пайтда бу ерларда электр энергияси билан таъминлаш қайта тикланган. Сешанба кuni эрта-ла шаҳар ҳаёти бутунлай издан чиққан эди — шаҳардаги дўконлар, идоралар, оммавий оқват-ланиш муассасалари ёпиб қўйилган эди. Йўллардаги светофорлар ҳам ишламас, шу боис автомобиллар ҳаракати чекланган қолганди. Ҳозирги пайтда озиқ-

овқат маҳсулотлари дўконлари, барлар ва рестороанлар эгалари кўрган зарарларини ҳисоб-ки-тоб қиломоқдалар, чунки таш-карида об-ҳаво 35 даража иссиқ, музоҳоналар эса электр энергия-сиз ишламаганлиги боис барча озиқ-овқат захиралари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Кейинги икки ҳафта ичида Рио-ла чироқнинг ўчиб қолиши ик-кинчи бор содир бўлмоқда. 11 ноябрь кuni Бразилияда электр энергияси ўчириб қўйилганли-ги сабабли, мамлакатнинг 18 та штатидаги энг катта шаҳарлар ва 60 миллиондан ортиқ аҳоли жабр кўрган эди.

ОЗАРБАЙЖОНДА АВТОТЎҚНАШУВ



Бокунда 24 ноябрь кuni Пирекюшюль посёлка ҳудудига жойлашган ҳарбий қисм яқинида содир бўлган. Йўловчилар тўла автобус Бокунда Гобустон райони томон йўл олган экан. Воқеа жойига полиция-чилар ҳамда ҳарбий прокуратура ходимлари етиб келишди.

Ҳар бир давлат биринчи галда ўз аҳолисининг саломатлигини, бар-қарорлигини ва истиқболини ўйлай-ди. Табиийки, фуқаролар сало-матлигига эътибор бир-бирига боғлиқ бўлган қатор чора-тад-бирларнинг олиб борилиши самар-асидир. Бу занжирга озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатидан тор-тиб, хориждан кириб келиши мумкин бўлган турид касаллик-ларнинг мамлакат ҳудудига кириб келишининг олдини олиш ҳара-катлари ҳам киралади.

Бугунги кунда грип кассали-гининг турли кўринишлари анж олган. Авваллари кишининг хаёли-га умуман келмаган кўринишлари ривожланиб, тарқалиб кетган. Масалан, утган йили "паранда грип-пи" тарқалган бўлса, бу йили ун-дан-да оғир асоратларга сабаб бўлувчи "чўчка гриппи" одамлар бошига бало бўлмоқда.

Ҳозирга келиб, дунёнинг тур-ли бурчларида бу касаллиқнинг ўчоқлари кузатишган. Унинг даст-дан ҳаёт билан вилолашганлар сон-и ҳам кун сайин ортиб бораётган. Гриппнинг бу тури дастлаб Мек-сикада кузатилди. Юқумлиги ҳи-жатдан биринчи ўринда турив-чи бу касаллиқнинг дунё бўйлаб тарқалишига ҳатто мутахассислар ҳам чап бера олмадилар.

Бир неча кун деганда "чўчка гриппи" шарқий европа ҳудудла-рига ҳам етиб келди. Жумладан, Украинанинг деярли барча гарбий ҳудудларида грип эпидемияси тарқалиб, ушбу жойларда каран-тин эълон қилинди. Касалликка қарши ўз кучи билан кураша ол-маган мамлакат ҳукумати ташқа-

ридан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Жаҳон ҳамажамияти бу ҳолатга бе-фарқ қарай олмай Украина халқи-га инсонпарварлик қўлини чўзди.

Айни дамга қадар, бу ерга озиқ-овқат, дори-дорумонлар, тиббий воситалар етказиб берилмоқда. Шу вақтгача эпидемиядан 120 киши ҳаётдан кўз юмди, минглаб одам-лар шифохоналарда даволаниб чиқ-ди, мамлакат иқтисодига милли-онлаб гривен микдорид зарар етди. Бу биттагина Украина мисолида-ги ҳолат.

Ўзбекистонда грип кассалиги-нинг олдини олиш мақсадида қатор режа-дастурлар ишлаб чиқи-

ҚОТИЛ МИЛИЦИОНЕРЛАР

Абхазиялик бир шахсни уриб ўлдирганда гумон қилинаётган москвалик 3 нафар милиционер қамоққа олинди. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги манбанинг маълумотларига асо-ланган ҳолда "Интерфакс" ахборот агентлиги хабар берди. Илгари қотиллик жиноятини содир этган-лиқда гумон қилиниб, Анвар Иб-рагимов исмли милиционернинг қўлга олинганлиги, унинг 2 та ше-риги эса гувоҳ сифатида сўроқ қилинаётганлиги хусусида хабар тарқатилган эди. Аммо "Интер-факс"нинг хабар беришича, Мос-ква ИИББси тезкор полки иккин-чи бўлимида хизмат қилаётган Ибрагимов, Алексей Черников ҳамда Виктор Кузнецов қотиллик жиноятни содир этилганлигидан бир соат кейин "Выхино" метро бекатида қўлга олинган экан. Ман-банинг сўзларига қараганда, ми-лиционерлар содир этган жиноят-ларини бўйинга олишган. Москва ИИББси ахборот ва иттиҳомий алоқалар бошқармаси бошлиғи

Виктор Бирюков 3 та милиционер қўлга олинганлигини тасдиқлади. Унинг айтишича, бу милиционер-лар Калмыкия, Липецк ҳамда Волгограддан келишган. Гумон қилинувчилар 2008 йилнинг охи-рларида милицияга ишга олинган. Ҳозирги пайтда улар Москвада ўқув йилларида экан. Бирюков-нинг сўзларига қараганда, абхаз-иялик шахс ўлдирилгандан кейин Москва ИИББси бошлиғи Влади-мир Колокольников бу милиционер-ларни ишдан бўшатishi тўғрисида буйруқ берган. Шунингдек, Коло-кольников Москва ИИББ иккинчи тезкор полки бошлиғи полковник Владимир Домашевни ҳам вақтин-ча эгаллаб турган лавозимидан чет-латган. Абхазиялик 19 ёшли Эду-ард Гурский 24 ноябрь кuni ке-ч курун Зеленодольская кўчасидаги магазинда ўлдирилган. У милиция бўшталарини қийиб олган 3 та маст киши билан баҳс-лашиб қо-лган. Маст кишилар уни қўлларид-аги резина калтаклари билан роса дўппослашган. Олган жароҳатлари



туфайли абхазиялик шахс магазин-да жон таслим қилган. Тасдиқлан-маган маълумотларга қараганда, милиционерлар магазиндаги яна бир абхазиялик шахсни дўппос-лашган. Аввалги ҳуқуқни муҳофа-за қилиш органларидаги манбалар Гурскийни ўлдирган милиционер-лар хизмат вазифасини адо этиш пайтида бўлмаган, деб хабар тар-қатишган. Аммо кейинроқ журна-листларга маълум бўлишича, қотиллик жинояти факти бўйича қўзғатилган жиноят иши Россия ЖКнинг нафақат 111-моддаси ("Қасдан баланд оғир шикаст ет-казиш"), балки 286-моддаси бўйи-ча ҳам ("Мансаб ваколатларидан четта чиқиш") қўзғатилган.

"МОССАД" ХОДИМИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Сешанба кuni Тель-Авив портида Исроил махсус хизматлари то-монидан ўтказилган антитеррор ўқув тадбирлари чоғида йўл четига тўхтатиб қўйилган автомобилга қалбаки бомба қўйётган "МоССад" хо-димини полициячилар томонидан қўлга олинган. Бу ҳақда АҲР ахборот агентлиги хабар берган. "МоССад" ходимининг автомобилга бомба қўй-ётганлигини кўриб қолган бир аёл зудлик билан полицияга хабар бер-ган. Амалга оширилаётган ўқув тадбирларидан беҳабар полициячилар эса "МоССад" ходимини қўлга олишган. "Курсор" ахборот агентлиги-нинг хабар беришича, полициячилар машинанинг давлат рақамидан унинг ҳукумат машинаси эканлигини аниқлашган ва дарҳол портада бўлган кишиларни, шунингдек, яқин атрофдаги магазинлардаги ха-ридорлар ҳамда рестороанлардаги хўрандаларни эвакуация қилишган.

ЛИЦЕНЗИЯСИЗ ҚОЛГАН БАНКЛАР

Россия Марказий банк "Межрегиональный инвестиционный банк" ва "Кубан" банкларига берилган лицензияларни қайтариб олди. 2010 йилда Россиянинг 80 та банки лицензиясиз қолади. Бу ҳақда Жамгар-маларни сугурталаш агентлиги бош директори Александр Турбанов хабар қилган деб ёзади РИА Новости ахборот агентлиги. Инқироз дав-рида молиявий ташкилотларда маблағлар бўлмаганлиги боис уларга берилган лицензиялар олиб қўйилмоқда. Илгарилиги Марказий банк жиноий йўл билан топишган даромадлари легаллаштиришга қарши-лик кўрсатиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун банк-ларни лицензиядан маҳрум этарди. 2009 йилда Россия Марказий бан-ки яна 50 та банкдан лицензияларни қайтариб олишни режалаштир-моқда. 2008 йилда 34 та банк лицензиядан маҳрум этилган. Турбанов-нинг сўзларига қараганда яна 30 та банк ўзларидидаги маблағларнинг еттишмаслиги сабабли, лицензиядан маҳрум бўлади. 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб банкларда камда 90 миллион рубль маблағ бўли-ши керак. 2012 йилнинг январиде эса бу рақам 180 миллион рублни ташкил этади. Бу талабларга жавоб бермайдиган банклар (Россияда камда 100 та шундай банк мавжуд) лицензиядан маҳрум этилади. Марказий банк талабларига жавоб бермайдиган, яъни маблағи етиш-майдиган банклар кредит ташкилотларига айтилтирилади. Ҳозирги кунда Россияда 1000дан ортиқ банк фаолият қўйлатмоқда. Уларнинг 900 таси жамғармаларни сугурталаш агентлиги аъзосидир. Лицензияси олиб қўйилган банкларнинг миқдорига эваз пулини агентлик тўлайди.

Йўлдан ПАРДА тайёрлади

Темир йўллари" компаниялари ти-нзимда грип кассалигига қарши курашиш, унинг олдини олиш, касаллиқнинг мамлакатимиз ҳуду-дига кириб келишини бартараф этиш бўйича олиб боришган иш-лар қўламини ўрганилди.

Қайд этиш жоизки, текшириш-лар натижасида мазкур компания-

мумкин бўлган йўлларидан бири-нинг олди олинди. Шу билан бир-га аэропортларда грип профилакти-каси билан боғлиқ турли плакат-лар, панно ва мониторлар ўрна-тилган бўлиб, йўловчилар ўзларига керак бўлган зарурий билимларга эга бўлиш имконияти яратилган. Шунингдек, "Ўзбекистон Темир йўллари" компаниясида ҳам грип кассалигининг олдини олиш юза-сидан барча чора-тадбирлар кўри-лган. Барча вокзал, поезд кутиб пер-ронларида махсус тиббий хоналар ташкил этилган бўлиб, киши ўзини сал нохуш сезса, дарҳол тиббиётчи мутахассислар ёрдами-ни олиши мумкин.

Умуман олганда, мамлакатим-изда бу борада амалга оширила-ётган ишлар ўз самарасини бермоқ-да. Шу кунгача, касаллиқнинг бу туридан зарарланиб қурбон бўлган-лар йўқ. Бундан ташқари вакцина-ция ишлари ўз вақтида олиб бо-рилгани боис, грипга мубалога бўлганларнинг ўзи кам. Албатта, ҳукуматимизнинг аҳоли тўғриси-да қайғуришни ахоли, лекин фуқа-ролар ҳам шахсий гигиена, сани-тария қоидаларига риоя қилсалар, ундан-да яхши бўларди.

Ш.ЗУФАРОВ,
Тошкент транспорт прокурори
ёрдамчисиҲУШЁРЛИК ВА
ФИДОЙИЛИК ЗАРУР

деярли ҳар бир орган, идора ва муассасаларда амалга оширилмоқ-да. Айниқса, боғча болалари, мак-таб ўқувчилари, коллеж, институт ва университетлар талабалари ҳамда уларнинг ота-оналари ўрта-сида ушбу касаллиқнинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйи-ча мутахассислар жалб этилган ҳолда, мунтазам равишда тегиш-ли тарғибот тадбирлари ўтказил-моқда.

Прокуратура органлари ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ. Ми-сол учун, Республика Транспорт прокуратураси томонидан "Ўзбеки-стон ҳаво йўллари" ва "Ўзбекистон

ларда бу борадаги ишлар бир му-нча ижобий йўлга қўйилгани аниқ-ланди. Масалан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан аэропортларда Япония-да ишлаб чиқаришган, олам тана-сининг ҳароратини ўлчайдиган махсус термометрлар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида хориждан келган ҳар бир кишининг тана ҳарорати ўлчанади. Агарда йўлов-чи ёки персоналнинг тана ҳарора-ти метёридан, яъни 36,6 градус-дан бандан бўлса, у дарҳол текши-риш учун карантинга жойланади.

Шу йўл билан грипнинг Ўзе-кистон ҳудудига кириб келиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, доимий асосда ишлайдиган икки палатали қонун чиқарувчи орган тузиш замонвий парламентаризмга хос таъминдир. Икки палатали парламентни сайлаш ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 2003 йил 29 августда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилинди. Утган давр мобайнида Қонунга уч марта (2004 йил 27 август, 2004 йил 3 декабрь, 2008 йил 25 декабрда) ўзгариш қилиниши кўрсатди.

Ушбу ўзгаришлар сайловларнинг транспарентлиги ва очиқчилиги таъминлаш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги халқаро стандартлар ҳамда дунё мамлакатларининг илғор тажрибасига асосланган ҳолда мустақамланган.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнига тайёргарлик босқичида сайловчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти жамоаси томонидан "Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба" номи амалий қўлланма ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб чоп этилди.

Қўлланма 3 бўлим 11 бобдан иборат бўлиб, унинг 1-бўлими парламент сайловида оид миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳиятига бағишланган. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказишнинг асосий принциплари, сайлов округлари ва сайлов участкалари, сайлов комиссиялари, сайлов компанияси бошланганини эълон қилиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатқа олиш, сайловдаги таъвиқоти, депутатликка номзодлар фаолиятининг қафолатлари, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайлов бюллетени, овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби, Олий Мажлис Сенатини шакллантириш тартиби, парламент сайлови бўйича халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасига оид масалалар тизимли тарзда таҳлилий ёритилган.

Қўлланманинг 2-бўлимида парламент сайловида оид асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли дугати оммабоп тарзда ифодаб берилган.

Қўлланманинг 3-бўлимида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлардаги асосий тартиб ва қоидалар схематик ифодаланган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, олий ўқув юртинларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар, магистрлар ва талабалари ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

дистон бозорининг сермахсулчилиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳар йили 15 фоизга ошиб бораётган даромадлар "Pricewaterhouse Coopers" кузатувига кўра 2012 йилга келиб 4 млрд. долларни (2007 йилда 1,9 млрд. доллар) ташкил қилади. Бироқ АҚШнинг ўзида кинотеатрларга чипта сотилиши тушиб бораётти. "Media by

МАТОНАТ ВА ИРОДА СОҲИБИ



Метин иродали, ўз касбига садоқатли инсонлардан бири прокуратура фахрийси Тошпўлат Тешаев 75 ёшга қарши олмақда.

Прокуратура органларида 35 йилдан ортқ хизмат қилган Тошпўлат ака Тешаев Самарқанд вилоятида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда катта ҳиссасини қўшган. Фаолияти давомида Каттақўрғон ва Бўлунгур туманлари прокурорининг ёрдамчиси, Каттақўрғон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, Ишхон туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилди.

Касбий фаолияти давомида ишчанлик, изланувчанлик, инсонларга нисбатан самимийлик, фидоийлик каби фазилатлари билан касбдошлари ҳамда жамоатчилиги орасида ҳўрмат қозонган.

Қонунчиликни мустақамлашга қўшган кўп йиллик меҳнати ҳўқуқ-тартиботни таъминлаш бўлимида, Президентимизнинг 1998 йил 13 январдаги Фармони билан "Шўҳрат" медалига ҳамда бир неча мартаба прокуратура раҳбариятининг мукофотларига сазовор бўлган.

Бугун нафақа таштини сўраётган Тошпўлат ота фарзандлари ва шогирдлари ардоғида.

Фурсатдан фойдаланиб, у кишига оилавий тўтулуқ, сўхат-саломатлик, хонадонига тинчлик-осойишталик, бахт ва саодат доимо ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

Ўтағларнинг охираги обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази прокуратура фахрийси Абдулла Давлетовга ўли

Шўҳрат ДАВЛЕТОВнинг вафот этганини муносабати билан қўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази ва Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси, прокуратура фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Аҳмадхон САБИРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.

Ҳиндистоннинг асосий кинофабрикаси Болливудда оғир давр келди. Жаҳон молиявий инқирози Болливуд устидаги қўра булувларни янада қўққаштирди. Ҳозирда ҳинд кино индустрияси бепул суратта тушиш тақлифи олдий ҳолга айланб бормоқда. Агар актёрлар бундай тақлифларни рад этавермаса ҳинд киноиндустрияси инқирозга қўз тутиши мумкин. Голливудда таққослаган ҳолда Болливуд деб аталадиган Мумбайдаги асосий киностудия авваллари йилига 1000 тагача (Голливуддан икки баробар кўп) фильм ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда иқтисодий муаммолар сабаб Болливуднинг ёрқин кунлари нўҳўсига етди.

Ҳиндистон киноиндустриясига нафақат чет эл сармояларининг кириб келиши, балки маҳаллий аҳолининг қўзқилиш ҳам камайиб бораётти. Қўндалик турмушини ўнглаб олиш учун курашиб яшаётган Ҳиндистон аҳолисида кинога чипта ёки фильм дискларини сотиб олиш учун ортқча пулни топшиш жуда қўйин, деб хабар беради CNN.

Оқибатда Болливуднинг даромадлари бир неча бор камайиб кетган. Продюсерларда янги бир фильм учун сармоя ажратиш иштиёқи сўсайиб бормоқда. "Янги фильмларни суратта олиш жуда қўйин бўлиб қолди. Бирор бир фильм гоёсини молиялаштиришдан аввал етти ўлчаб бир кесиб зарур бўлган давр келди" - дейди болливудлик продюсер Никхил Адвани.

Болливуд киностудиялари раҳбарлари, продюсерлар ва менежерларнинг қўнчилиги янги фильм гоёларига таваккалчилик билан пул тикиш даври утганини таъкидлашмоқда. Бу эса ўз навбатида фильм ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайтириб юрмоқда.

Ҳиндистонда кинобизнесни ўрганувчи "Ernst & Young" консалтинг гуруҳининг раҳбари Фароқх Балсаранинг таъкидлашча, бугун Болливуд бошдан кечираётган оғир кунларда фақатгина ушбу соҳада мустақам ўрин эгаллаган киностудияларгина янги фильмларни суратта олишлари мумкин. Продюсерлар ҳам асосан шундай компаниялар билан ҳамкорлик қилишадди. Бу дегани киноиндустрияга кириб келаётган янги ижодкорлар оғир аҳволда қолишадди.


Ҳинд киноиждоқкорлари бугунги оғир аҳволдан чиқиб кетиш учун бор имкониятларидан фойдаланишмоқда. Улар машҳур ҳинд актёрларини янги фильмларга бепул ёки тушган даромаддан фоиз учун суратта тушишга қўндиришмоқда. Бу дегани, агар фильм даромад келтирмаса актёрнинг гонорари насияга айланади. Шунга қарамадан продюсерлар актёрларни бундай тақлифларни рад этмасликка қачқирмоқда. Сабаби, фильмда номдор актёрларнинг иштироки томошабининг мазкур фильм-

га жалб этади. Агар шундай бўлса, даромаддан умид қилиш мумкин.

Болливудда кечаётган мазкур жараён янчили бўлишга қарамадан қўнвончли ва умид бағишловчи яна бир жиҳатини айтиб ўтиш лозим. Ҳинд киноиждоқкорлари иқтисодий инқирозга ботаётган бир пайтларида голливудлик ҳамкасблари кўпроқ

Сильвестер Сталлоне Лос-Анжелесда суратта олинаётган "Ажабтовур севги" номи хинд кинокомедиясида суратта тушди. Мазкур фильмда асосий ролни Акшай Кумар ижро этмоқда.

Утган йили Ҳиндистоннинг бой компанияларидан бири "Reliance ADA Group" Стивен Спилбергнинг



Ҳинд фильмлари алоҳида бир санъат тури ҳисобланади. Катталар бир пайтлар хинд киносига кириш учун кинотеатр каскаларида ур-тўполон, бақир-чақирлар ҳақида гапириб беришса, баъзида ишонинг ҳам келмайди. Ҳозир ундай эмас, яъни ур-тўполонга ўрин йўқ. Лекин хинд фильмлари ихлосмандлари қўнайса қўнайганка, асло камаймаган.

янги гоёлар танқислигига дуч келишган.

Бунинг оқибатида голливудлик киноиждоқкорлар болливудликлар билан ҳамкорликни қўзғатишга ҳаракат қилишмоқда. Ушбу жараёнда ҳинд сюжетлари ва америка суратта олиш мақбалининг ҳамқўнчилигида янги киножор дунёга келаётганини қўзғатиш мумкин.

Голливуд ва Болливуд ўртасида бундай экспериментлар авваллари ҳам учраб турган. Лекин америкалик режиссёр Дэвни Болиннинг ҳиндистонлик ёзуви Викас Сварупанинг китоби асосида суратта олган "Харобадан чиққан миллионер" фильми ушбу ҳамкорликка ҳамиртуруш сингари таъсир қилиб уни "ошириб" юборди.

Мумбаининг қашшоқ кварталларидан чиққан 18 яшар йигит ҳақидаги мазкур фильм 352 млн. доллар даромад келтирибгина қолмай, "Оскар" ва "Отин глобус" каби нўфзли совринларни қўлга киритди.

Бундай ҳамкорлигининг меvasи сифатида ҳозирда Мумбайда суратта олинаётган "Hiss" ("Tccc") деб номланган даҳшат жанридаги фильм ҳам мисол келтириш мумкин. Мазкур фильмнинг режиссёри америкалик Женнифер Линч, актёрлар Ҳиндистондан, махсус эффектлар Голливудники, қўшқч ва рақслар Голливудники. Бундай мисоллар талайгина. Голливудлик машҳур киносценарийчи Пол Шрелер ҳиндистонлик продюсер Анубхав Сингнинг фильм устида ишламоқда.

"DreamWorks" кинокомпаниясига 500 млн. доллар сармоя киритишга келишиб Бред Питт, Жим Керри ва Том Хенкс иштирокидаги фильмларни молиялаштириш режаси бориғини эълон қилди.

Ҳозирда мазкур хинд компаниясининг сармоясига Нью-Мехикода янги фильм суратта олиниши яқинга етиб қолди. Ушбу фильмнинг ижрочи-продюсери америкалик Марк Жонсон бўлиб, сценарий муаллифи ва режиссёр хиндистонлик Вудху Винод Чопрадир.

Ҳамкорлик оқибатида вужудга келаётган янги жанрда гарб киносининг анъаналари биринчи ўринда турлади деб, айтиш қўйин. Бундай фильмларда сюжетти асосан хиндча. Голливуддан эса асосан суратта олиш техникаси талаб этилмоқда. Продюсерларнинг мақсадлари эса мазкур фильмлар Ҳиндистонда ҳам АҚШда ҳам бирдай омад қозонишидир.

Юқорида айтиб ўтилган "Tccc" фильмининг суратта олаётган Ҳиндистоннинг "Split Image Pictures" компаниясининг директори Говин Мэнон, "Ҳайлашмича, агар режиссёр Серхио Леоне инглиз тилини билмай туриб бемалол Испанияда қовбойлар ҳақида фильмни суратта олиш имконияти бўлса, америкалик режиссёрлар ҳам ҳиндини билмай туриб Ҳиндистонда фильмни суратта олишларида муаммо йўқ" - дейди.

Яна бир қўзққ ҳолат эътиборга лойиқ, Болливудда кечаётган иқтисодий муаммоларга қарамадан Голливуд киноиждоқкорлари учун Ҳин-

Numbers"нинг кузатувига кўра 2007 йилдан томошабинларнинг кинотеатрларга келиши 5 фоизга камаяган.

Юқоридаги маълумотларни ўқиб туриб ўзининг миллий киноиндустрия борасидаги фикрлар ҳам пайдо бўлиши тайин. Назаримизда бизда муаммо йўқ. Фильмларнинг сони ошиб бормоқда. Актёрлар кўп, айнаси, ёшлари жуда кўп. Балки, хиндистонлик актёрлардан фарқли ўлароқ, бизнинг ёш иждоқкорлар ҳозирча бепул суратта тушишга ёки фильм даромадидан фоизга рўзи бўлишаётгандир? Агар шундай бўлса, кино санъатига кириб келаётган янги номларнинг иш бошлашларида катта мабала талаб этилмайди ва вужудга келаётган ижодий рақобат натижасида ақин келахасда сифатли фильмларнинг сони ошади. Ҳўлас, миллий киноиндустрия томошабинларни зерикиб қолишларига йўл қўймайпти. Фильмлар кўп, актёрлар гуруҳи ранг-баранг. Сифатта келсак, кўпчилик ҳали сифатдан тўлиқ қўнқмаётгандай кўринади. ОАВда киноларимиз энгил-елли мавзударга эканлиги, сценарийлар саълиғи, ёш актёрлар маҳорати ва шу каби бошқа масалалар таҳлил этилган танқидий чиқишлар тез-тез учраб турлади. Демак, сони борасидаги кўрсаткичлар билан қўнқиб қолмай сифатни ҳам оширишга интилиш керак. Яъни, сифатли ва ибратли фильмларни томоша қилинг.

Комила НАЗИРОВА таърирлади

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV,

Bahridin VALIYEV, Baxtiyor

NAZOROV (Bosh muharrir o'rinbosari),

Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.



Telefon: 233-98-40,

233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida

2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganida "HUQUQ"dan olinganligi ko'rsatilsin shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi - 231

ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8478. 21 382 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Sahifalovchi dizayner: S. BOBOJONOV Navbatchi muharrir: Sh. YODGOROV Navbatchi: O' DEHONOV Musahhih: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda